

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

**Кўлёзма хуқуқида
УДК: 658.1**

ТУРСУНХОДЖАЕВА ФЕРУЗА ҲУСАН ҚИЗИ

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ
АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДА ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАРНИ ТАДБИҚ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ**

Мутахассислик: 5A230902-Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
и.ф.н., проф. Ш.Файзиев**

ТОШКЕНТ-2017

Диссертация Тошкент молия институти «Аудит» кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар

и.ф.н., профессор Файзиев Ш.

Кафедра мудири

и.ф.д., профессор Туйчиев А.

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доцент Ортиқов У.

МУНДАРИЖА:

Кириш	3
I боб. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ҚҮЛЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ- ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ...	8
1.1. Аудиторлик текширувларида халқаро стандартларни қўллашнинг моҳияти, мақсади ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	8
1.2. Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг аудиторлик текшируvida халқаро стандартларни қўллашнинг ташкилий-хуқуқий асослари.....	19
1.3. Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг аудиторлик текшируvida халқаро стандартларни қўллашнинг аҳамияти .. 1-боб бўйича хулоса	25 28
II боб. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ҚҮЛЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ АМАЛИЁТИ	29
2.1. Аудиторлик текширувларини режалаштириш жараёнида халқаро стандартлар қўллаш тартиби.....	29
2.2. Аудиторлик текширувларини ўtkазиш жараёнида халқаро стандартларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	40
2.3. Халқаро стандартлар асосида аудиторлик хулосалари ва хисботларини тузиш тартиби..... 2-боб бўйича хулоса	49 56
III боб. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	57
3.1. Акциядорлик жамиятлари аудиторлик текширувларида халқаро стандартларни жорий этиш масалалари.....	57
3.2. Халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувлари сифатини ошириш йўналишлари..... 3-боб бўйича хулоса	62 69
Хулоса.....	71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	74
Иловалар.....	80

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизда корпоратив бошқарув принциплари тўла-тўкис жорий этилиши учун халқаро талабларни ҳисобга олган ҳолда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, уларнинг инвестиция жараёнларида ҳамда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда кенг иштироқини таъминлаш бугунги кунда долзарб масалалардан биридир. Республикамиз иқтисодиётини узлуксиз ривожланиши ҳамда жаҳон хўжалиги ва молиявий тизимиға тобора интеграциялашуви, бу борада давлатимизнинг бош ислоҳотчи бўлиб оқилона сиёsat олиб бораётгани пировард натижада Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи ва нуфузини янада оширмоқда.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятини янада ривожлантириш, уларга хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида республикамиз раҳбарияти томонидан кенг имтиёзлар берилган. Аммо бу борада талайгина муаммолар учраб турибди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев бу ҳақда қўйидагиларни таъкидлайди: ““Ноль” қиймати бўйича 1 минг 27 та объект сотилган. Албатта, бу яхши, бироқ нима учун уларнинг кўпчилиги, баъзиларини ҳисобга олмагандан, ишга туширилмаган ва вайронга ҳолида ётибди? Биз уларнинг ўрнига нимани ташкил этдик, қандай қувватлар ва ишлаб чиқаришлар барпо этилди, қанча одам иш билан банд? Нима учун сотилиши лозим бўлган 119 та акциядорлик жамиятидан фақат ярмининг 15 фоизлик улуши хорижий инвесторларга сотилган?”¹

Бу соҳада ислоҳотларни тўғри амалга ошириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида

¹ Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундаклик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. - 104 б. 37-бет.

замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720 Фармонининг қабул қилинган эди.

Мазкур Фармон акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантиришда муҳим ҳисобланади. Ушбу Фармоннинг 8-бандига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг очиқлигини ошириш, улар томонидан халқаро стандартлар асосида аудит ва молиявий ҳисбот ахборотини нашр қилиш”² белгилаб қўйилган. Бу ҳолат ўз-ўзидан акциядорлик жамиятларида халқаро аудит стандартлари асосида аудиторлик текширувларини ўтказишни талаб қиласди.

Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини қўллаш, бизнесни ривожлантиришда ички ва ташқи аудит каби хизматлар фаолиятида аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартларини жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилди. Халқаро аудит амалиётига кўра аудиторлик фаолиятида муҳим масалалардан бири аудиторлик далилларини йиғиш, уларга аналитик ишлов бериш ва аудиторлик ҳисботлари асосида аудиторлик хulosасини тузиш ҳисобланади. Бундан кўзланган асосий мақсад хўжалик субъектлари даромадлиги, ликвидлиги ва тўлов қобилиятига жиддий эътибор қаратиш натижасида аудитор томонидан бериладиган аудиторлик хulosасига боғлиқ бўлади. Ушбу ҳолат акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисботларни тузишда ташқи аудитни баҳолаш ва такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Тадқиқот обьекти ва предмети. Тадқиқотнинг обьекти бўлиб, «Konsauditinform» аудиторлик ташкилоти ҳисобланади. Тадқиқот предмети акциядорлик жамиятлари фаолиятини аудиторлик текшируvida халқаро стандартларни тадбиқ этиш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари. Ушбу магистрлик диссертация ишининг мақсади акциядорлик жамиятлари аудиторлик

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720 Фармони. www.lex.uz

текширувларида халқаро стандартларни қўллаш юзасидан тегишли хулоса ва таклифларни киритиш ҳисобланади.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб, ишни бажаришда қўйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида аудиторлик фаолиятини ривожлантиришнинг аҳамияти ва зарурлигини тадқиқ қилиш;
- аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларини ишлаб чиқиш заруриятини асослаш;
- халқаро аудиторлик стандартларининг турларини тўла-тўқис ўрганиб чиқиш;
- акциядорлик жамиятлари аудиторлик текширувларида халқаро стандартларнинг қўлланилиш даражаси билан танишиш;
- халқаро аудиторлик стандартларини Ўзбекистонда қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагиларда ўз ифодасини топган:

- акциядорлик жамиятларида халқаро аудит стандартларини қўллашнинг зарурлиги очиб берилди;
- халқаро аудит стандартларининг акциядорлик жамиятлари молиявий ҳисботлари ишончлилигини тасдиқлашдаги аҳамияти тадқиқ қилинди;
- аудитни режалаштириш, текширув ўтказиш ва якуний босқичда халқаро стандартларни қўллаш тартиби ўрганилди;
- аудиторлик ҳисботи ва хулоасини тузиш бўйича халқаро ва миллий аудит стандартлари асосий талаблари қиёсий таҳлил қилинди;
- халқаро аудит стандартларини республикамиз амалиётида қўллаш борасидаги муаммолар тадқиқ қилинди ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;
- халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувлари сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари қуйидагилардир:

- мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда аудиторлик фаолиятини ривожлантириш мухим ўрин тутади;
- акциядорлик жамиятлари фаолиятини аудиторлик текшируvida халқаро стандартларни қўллашнинг аҳамияти илмий жиҳатдан асосланиши тадқиқот мавзусининг услубиятини очиб беради;
- молиявий ҳисбот аудитини ўтказишида халқаро стандартлардан фойдаланиш тартибини ўрганиш мақсадга мувофиқдир;
- акциядорлик жамиятлари фаолиятини аудиторлик текшируvida халқаро стандартлар қўллаш орқали аудит иши сифатини янада ривожлантириш имкониятларини очиб бериш мумкин.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шархи (таҳлили).

Акциядорлик жамиятлари аудиторлик текширувларида халқаро стандартларни қўллаш масалалари В.Н.Тютюрюковнинг “Международные стандарты аудита” дарслиги (-М.: “Дашков и К”, 2009. 5-175-бетлар), Л.И.Воронинанинг “Аудит” дарслиги (-М.: “Омега-Л”, 2014. 45-48-бетлар), Ш.Н.Файзиев ва А.А.Каримовларнинг “Аудит” ўқув қўлланмаси (-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2013. 33-39-28 бетлар) ҳамда И.Н.Қўзиевнинг “Аудиторлик ҳисботларини тузиш ва уларни умумлаштириш: назария ва методологик муаммолар” монографиясида (-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2015. 28-28 бетлар) кенг ёритилган. Аммо акциядорлик жамиятлари аудиторлик текширувларида халқаро стандартларни қўллаш масалалари мазкур адабиётларда тўлиқроқ ёритилмаган.

Тадқиқотда қўлланилган услубиётнинг тавсифи. Тадқиқот масалалари бўйича шахсий календар иш режаси тузилиб, унга қўра қуйидаги изланишлар олиб борилди:

- тадқиқот учун зарур бўлган усул ва йўналишлар рўйхати тузилди ва ўрганиб чиқилди ҳамда тадқиқот ўтказиш учун танлаб олинди;
- илмий-тадқиқот муаммоси шакллантирилди ва тавсифланди;

- тадқиқот жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган саволлар тузилди;
- тадқиқот долзарблиги, янгилиги ва амалий аҳамиятга эгалиги асосланди.

Диссертациянинг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертациядаги илмий хуносалар ва тавсиялар акциядорлик жамиятлари аудиторлик текширувларида халқаро стандартларни қўллашга имконият яратади.

Тадқиқот натижаларидан акциядорлик жамиятлари аудиторлик текширувларида халқаро стандартларни қўллашни такомиллаштириш борасида меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиша, олий ўқув юртларида амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижалари бўйича 2016 йил 13 апрелда Тошкент молия институтида ўтказилган “Тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш, инвестицион фаоллиги ва молиявий барқарорлигини оширишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциясида “Аудитнинг халқаро стандартларини Ўзбекистонда қўллаш муаммолари” ҳамда 2017 йил 28 марта “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш инфратузилмасини мутаносиб ривожлантиришнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциясида “Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг аудиторлик текшируvida халқаро стандартларни қўллашнинг аҳамияти” мавзусида илмий тезислар нашр қилинган.

Диссертация ҳажми ва тузилиши. Илмий иш кириш, 3 та боб, 8 та параграф, хуроса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

І БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ҚҮЛЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

1.1. Аудиторлик текширувларида халқаро стандартларни қўллашнинг моҳияти, мақсади ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича 2017 йил 7 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони имзоланди. Мазкур Фармоннинг 2017-2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” номли 1-иловасида “Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушкини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш”³ вазифаси белгилаб берилди.

Демак, яқин келажакда хизматлар соҳасининг республикамиз иқтисодиётидаги улушкини янада ошириш устувор вазифадир. Хизмат соҳаси ҳақида гап кетганида унинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган аудиторлик фаолиятига ҳам катта эътибор қаратиш даркор.

Аудит стандартлари – бу ўзининг профессионал фаолияти давомида ҳамма аудиторлар риоя қилиши лозим бўлган ягона асос тамойиллардир. Халқаро аудиторлик стандартларини ишлаб чиқиша аудитнинг

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. 3.2-банд. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

тамойилларига таянилади. Аудитнинг тамойиллари асосида стандартлар бунёд этилади.

Аудиторлик стандартлари орқали аудиторларнинг профессионал тайёргарлик даражаси, улар ишининг сифати тартибга солиниб турилади. Стандартлар орқали аудиторларни тайёрлаш дастурлари ва аудиторларни аттестация қилишнинг ягона талаб мезонлари белгиланади.

Шунингдек, аудиторлик стандартлари аудит ўтказиш сифатини ва аудиторларнинг жавобгарлик меъёрларини аниқлашда судда исбот учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Стандартлар аудиторлик текширувани ўтказишнинг умумий йўналишини, текшириш ҳажмини, аудиторлар ҳисботининг тузилишини, услугият масалаларини, шунингдек аудиторлар риоя этиши лозим бўлган талабларни белгилайди.

Аудиторлик стандартларига риоя қилиш аудит сифати даражасини ва аудит натижаларининг ишончлилигини таъминлайди. Аудиторлик стандартлари судда аудиторларнинг ҳаққоний ишлаганлигининг асоси бўлиб хизмат қиласди. Агар аудитор стандартдан чекиниш қилган бўлса, бунинг сабабини кўрсатиши лозим. Аудиторлик стандартларнинг қуидаги жиҳатлари мавжуд:

- унга риоя қилиш орқали аудиторлик текширишнинг юқори сифатли бўлиши таъминланади;
- аудиторлик текшириш амалиётида янги илмий ютуқларни қўллаш мумкин;
- муайян вазиятларда аудиторнинг ҳатти-ҳаракатини аниқлайди.

Турли мамлакатларда аудиторлик фаолиятига турлича ёндошилишига қарамасдан, жаҳон хўжалиги ва молия бозорларининг байналмиллашуви кучайиб бораётганлигини акс эттирувчи унификацияланган қоидаларни ишлаб чиқиш зарур.

Халқаро аудит тизимининг унификацияланган ҳолда ташкил қилиш учун, аввало, бухгалтерия ҳисобининг байналмиллашувига эътибор қаратиш

лозим. Ана шу мақсадда 1973 йил 29 июнда Австралия, Канада, Франция, ГФР, Япония, Мексика, Нидерландия, Буюк Британия ва Ирландия ҳамда АҚШ бухгалтерлар ташкилотлари ўртасидаги келишув натижаси сифатида Бухгалтерия ҳисоби стандартлари халқаро стандартлари кўмитаси (International Accounting Standards Committee - IASC) ташкил этилди. Ҳозирги вақтда унинг ишида жаҳоннинг 103 мамлакатидан 142 та аъзо қатнашмоқда.

Кейинги йилларда аудитга бўлган талабларни уйғунлаштириш борасида ишлар халқаро даражада такомиллаштирилмоқда. Турли ташкилотлар, шу жумладан бухгалтерия стандартлари бўйича маҳсус қўмита (IASC), халқаро бухгалтерлар федерацияси (1977 йилда ташкил этилган) бу масала бўйича фаол шуғулланмоқда. Молиявий ҳисоботларнинг ягона халқаро тизимини халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартлари асосида барпо қилиш ва уни такомиллаштириш заруриятидан келиб чиқиб, Халқаро бухгалтерлар федерацияси таркибида доимий автоном қўмита ҳуқуқларига эга бўлган аудиторлик амалиёти бўйича халқаро қўмита тузилган. У Халқаро бухгалтерлар федерацияси кенгаши номидан аудит стандартларини чоп этди, шунингдек аудит текширишларини ўтказиш билан бир вақтда қўшимча хизмат кўрсатиш бўйича халқаро стандартларни ишлаб чиқди. Булар бухгалтер-аудиторлик касбининг ривожланиши ва имкони борича халқаро миқёсда аудитга ёндашишнинг ягона тизимини яратишга мўлжалланган.

Миллий ҳисоб ва аудит тизимларини халқаро миқёсда уйғунлаштириш мақсадида 1966 йилда Халқаро тадқиқот гурухи тузилган эди. Ушбу тадқиқот гурухига АҚШнинг бухгалтер-аудиторлари, шунингдек Канада, Англия, Уэльс, Шотландия, Ирландия давлатларининг маҳсус мутахассислари киритилган. Мазкур ташкилот жаҳоннинг қўпгина давлатларида тадқиқот ўтқазиб, миллий ҳисоб ва аудит тизимлари ўртасидаги тафовутлар хусусида ҳисбот тайёрлаган. Ҳисбот маълумотлари натижаларига кўра бухгалтерия ҳисоби ва аудит стандартлари бўйича маҳсус халқаро ташкилот тузишга қарор қилинган. Натижада халқаро ҳисоб ва аудит стандартларини ишлаб

чиқувчи Бухгалтерия ҳисоби стандартлари бўйича қўмита (IAS) ва Халқаро бухгалтерлар федерацияси (IFAC) тузилган.

Бухгалтерия ҳисоби стандартлари бўйича қўмита (IAS) бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда уни бутун дунёга тарғиб қилиш мақсадида тузилган.

Бошқа халқаро ташкилотлардан фарқли ўлароқ Бухгалтерия ҳисоби стандартлари бўйича қўмита таркибиға фақат ноҳукумат ташкилотлари киритилади. Кўмитага раҳбарлик қилиш доимий ишловчи секретариат томонидан амалга оширилади. Секретариат таркибиға 13 та давлат ва 4 та халқаро ташкилотнинг вакиллари киритилади.

Халқаро бухгалтерлар федерацияси (IFAC) 1977 йилда бухгалтерлик касбини юқори даражага олиб чиқиш мақсадида тузилган. Ушбу ташкилотнинг бажарадиган вазифалари IASнинг вазифалари билан мос тушади. Жаҳоннинг 75 мамлакатининг профессионал ҳисоб ташкилотлари IFACнинг аъзолари бўлиб ҳисобланишади.

Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимларининг стандартларини унификациялаштириш муаммолари билан БМТнинг ҳисоб ва ҳисботларнинг халқаро стандартлари бўйича экспертларнинг ҳукуматлараро ишчи гурӯҳи (ISAR) шуғулланади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) аудитнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиша бевосита қатнашмайди, балки ушбу ташкилот стандартларнинг лойиҳасини кўриб чиқиша иштирок этади. Мазкур ташкилот 1976 йилда тузилган бўлиб, унга қуйидаги давлатлар аъзо бўлишган: Австралия, Австрия, Бельгия, Канада, Дания, Финландия, Франция, Германия, Греция, Исландия, Ирландия, Италия, Япония, Люксембург, Голландия, Янги Зеландия, Норвегия, Португалия, Испания, Швеция, Швейцария, Туркия, Буюк Британия ва АҚШ.

Аудитнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиша фақатгина халқаро ташкилотлар иштирок этмасдан, балки минтақавий ташкилотлар ҳам иштирок этади. Бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг халқаро стандартларини

ишлаб чиқишида энг фаол иштирок этадиган минтақавий ташкилот Европа иқтисодий ҳамжамияти ҳисобланади. Ушбу ташкилот 1957 йилда тузилган бўлиб, унинг таркибиға қуйидаги давлатлар киради: Бельгия, Дания, Франция, Германия, Грекия, Ирландия, Италия, Люксембург, Голландия, Буюк Британия, Испания ва Португалия.

Европа иқтисодий ҳамжамияти унга аъзо мамлакатларнинг ҳисоб ва аудит тизимларини стандартлаштириш мақсадида 5 та директива ишлаб чиқкан. Ушбу директивалардан кўзланган асосий мақсад мазкур ташкилотга аъзо мамлакатларнинг миллий ҳисоб ва аудит тизимларини бир-бирига яқинлаштиришдан иборат. Чунки Европа иқтисодий ҳамжамиятияга аъзо мамлакатларнинг миллий ҳисоб ва аудит тизимлари бир-биридан фарқ қиласди. Масалан, Нидерландия, Буюк Британия ва Ирландияда бухгалтерия ҳисоби ва аудит маълумотлари асосан инвесторлар учун мўлжалланади ҳамда ҳисоб ва аудит маълумотлари бошқарув қарорларини қабул қилишда қўлланилади. Германия, Люксембург ва Бельгияда эса ҳисоб ва аудит маълумотлари, асосан, банк муассасаларига йўналтирилади. Францияда эса ягона унификацияланган ҳисоб ва аудит тизими мавжуд бўлиб, унинг маълумотлари асосан давлат режалаштириш ташкилотларини маълумот билан таъминлашга хизмат қиласди.

Бу каби муаммоларни бартараф этиш қийин жараён ҳисобланади. Шу боисдан ҳам мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида Европа иқтисодий ҳамжамиятининг директивалари ишлаб чиқилган. Масалан, 1984 йил 10 апрелда қабул қилинган 8-директивада Европа иқтисодий ҳамжамиятияга аъзо мамлакатлар аудиторларига қўйиладиган малакавий талаблар ишлаб чиқилган. Мазкур директивага биноан ташкилотга аъзо бўлган барча мамлакат аудиторларига қўйиладиган талаблар унификациялаштирилган.

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича Африка Кенгashi 1979 йилда тузилган бўлиб, мазкур ташкилот ушбу қитъа мамлакатларида мавжуд

миллий ҳисоб ва аудит тизимларини бир хил асосга келтиришга хизмат қиласи. Ушбу ташкилот таркибига Африка қитъасидаги 27 мамлакат киради.

Лотин Америкасидаги мамлакатларнинг миллий ҳисоб ва аудит тизимларини стандартлаштириш мақсадида Америка мамлакатлари бухгалтерлари ассоциацияси тузилган бўлиб, унинг таркибига 21 та давлат киради. Ушбу ташкилот ҳар 2-3 йилда конференциялар ўтказади ҳамда ушбу конференциялар натижасига кўра илмий услубий қўлланмаларни чоп этади.

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари бухгалтерлари ассоциацияси Индонезия, Малайзия, Филиппин, Сингапур ва Таиланд давлатлари аъзоларидан ташкил топган. Ушбу ташкилот фақатгина бухгалтерларнинг малакасини ошириш билан чекланиб қолмасдан, балки миллий ҳисоб тизимларини бир-бирига мувофиқлаштириш бўйича ҳам ишлар олиб боради.

Осиё ва Тинч океани мамлакатлари бухгалтерлари конфедерацияси таркибига 20 дан ортиқ давлат киради. Ушбу ташкилотнинг мақсади минтақада бухгалтерлик ва аудиторлик касбини ривожлантиришни мувофиқлаштиришдан иборатдир. Мазкур ташкилот эндиликда миллий ҳисоб ва аудит тизимларини ўйғунлаштиришга асосий эътиборини қаратмоқда.

Европа бухгалтерлари федерацияси ушбу қитъада йирик профессионал ташкилот ҳисобланади. Мазкур ташкилот ҳам ҳозирги кунда миллий ҳисоб ва аудит тизимини халқаро миқёсда байналмиллаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Халқаро аудит стандартлари турли мамлакатларда турлича қўлланилади. Аудит стандартларининг турли мамлакатларида турлича қўлланилишига асосий сабаб ушбу мамлакатларда бухгалтерия ҳисобининг турлича моделлари амал қилишидадир. IFAC хузуридаги Халқаро аудиторлик амалиёти қўмитаси (IAPS) аудиторлик фаолияти кам тараққий этган давлатларда ушбу касбнинг мавқеини кўтариш мақсадида халқаро аудиторлик стандартларини қўллашни мувофиқлаштириб туради. Турли мамлакатларда халқаро аудиторлик стандартлари турли даражада

қўлланилади. Бу нарса мамлакатдаги аудиторлик амалиётининг ҳолатига кўп даражада боғлиқдир.

Халқаро стандартларни мамлакатда қўллашда аудитнинг халқаро стандартлари асосида миллий стандартларни ишлаб чиқиши мумкин. Бундан ташқари, баъзи мамлакатларда халқаро стандартлар тўлиғича қабул қилиниши ва миллий стандартлар ишлаб чиқилмаслиги мумкин. Шу каби омилларни инобатга олган ҳолда бугунги кунга келиб халқаро аудит стандартларининг жаҳон мамлакатлари бўйича қўлланилиш даражасига кўра қўйидаги кўриниши мавжуд:



1.1-расм. Халқаро аудиторлик стандартларининг қўлланилиш даражаси⁴.

АҚШ, Канада ва Буюк Британиянинг аудиторлик фаолиятида миллий стандартлар амал қиласди, халқаро аудиторлик стандартлари фақатгина маълумот учун ишлатилади.

Австралия, Бразилия, Нидерландия ва бошқа давлатларда халқаро аудиторлик стандартлари миллий аудиторлик стандартларини ишлаб чиқишида асос бўлиб хизмат қиласди. Ўзбекистон ҳам мана шу давлатлар тоифасига киради.

⁴ Каримов А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Халқаро аудит. Дарслик. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2015. 36-бет
14

Малайзия ва Нигерияда миллий стандартлар ишлаб чиқилмайды, уларнинг аудиторлик амалиётида халқаро стандартлар тўлиғича амал қиласди.

Ҳар бир мамлакатда аудитнинг стандартларини ишлаб чиқишида маҳсус ташкилотлар фаолият юритади. Масалан, АҚШда стандартларни ишлаб чиқиш билан Молиявий ҳисбот стандартларини ишлаб чиқувчи кенгаш (FASB) шуғулланади. Ушбу стандартларнинг амал қилиниши назорат қилиш ҳукуматнинг Қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича комиссияси (SEC) зиммасига юклатилган. FASB ва SECning ўзаро ҳамкорлиги туфайли АҚШда аудитнинг стандартлари аъло даражада амал қиласди.

Буюк Британияда эса бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида сиёsat, асосан, ноҳукумат ташкилотлар томонидан олиб борилади. Шу боисдан АҚШ ва Буюк Британияда қабул қилинган аудит стандартлари бир-бирига мос тушмайди.

Францияда аудитнинг миллий стандартларини Миллий компания қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади. Ушбу давлатда қабул қилинадиган аудитнинг миллий стандартлари халқаро стандартларга тўлиғича мос келади, айрим мутахассисларнинг айтишича, Францияда қабул қилинадиган миллий стандартлар «Халқаро стандартларнинг французча варианти» деб юритилади.

Озарбайжонда аудит стандартлари Аудиторлар палатаси томонидан ишлаб чиқилади. Аудиторлар палатаси қошида стандартлаштириш бўлими мавжуд бўлиб, бу бўлим халқаро стандартларни ўрганиш, уларни маҳаллий шароитга мослаштириш, илгор тажрибаларни алмашиш каби вазифаларни бажаради.

Аудитнинг стандартларини ишлаб чиқишида 12 кишидан иборат бўлган комиссия тузилган бўлиб, унга миллий ва халқаро доирадаги юксак малакали аудиторлар киради. Озарбайжон Республикасида Аудиторлар палатаси тузилганидан буён (1994 йил) аудитнинг 19 та стандарти ишлаб чиқилди.

Аудиторлик стандартларида кўзда тутиладиган энг муҳим жиҳатлардан бири, бу аудиторлик касбининг юксак нуфузига эришиши ҳисобланади. Бу жараёнда аудиторларнинг ахлоқ қоидаларини эслаб ўтиш лозим.

Жамоатчилик ишончини қозониш, ўз хизматлари даражсини юқори савияда тутиб туришга ҳар қандай касб учун этика кодекси зарур. Аудиторларнинг мижозлари, шунингдек молиявий ҳисобдан фойдаланувчи учинчи юридик шахсларнинг аудит текшируви сифатига ишониши муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон миқёсида аудиторлик этикасининг вужудга келиши ва ривожланишига AICPA (Америка қасамиётчи бухгалтерлар институти), GAAS (Дунёда амал қилаётган аудиторлар стандарти) ва SEC (қимматли қоғоз ва биржа операцияларининг баҳо комитети)лари катта таъсир кўрсатиб келади.

Мамлакатимизда аста-секин аудитнинг миллий андозалари ишлаб чиқилмоқда. Аудитнинг миллий андозаларини ишлаб чиқишида, аввало, халқаро андозаларга мурожаат этилади. Аудитнинг халқаро андозалари Халқаро бухгалтерия андозалари бўйича қўмита (ХБАБК) таркибида доимий қўмита хуқуқларига эга бўлган Аудиторлик ама-лиёти бўйича халқаро қўмита томонидан ишлаб чиқилади. Ушбу қўмита 1973 йилда тўқиз мамлакат, яъни Канада, Австрия, Германия, Франция, Япония, Мексика, Нидерландия, Буюк Британия ва АҚШнинг профессионал бухгалтерия тузилмалари томонидан таъсис этилган.

Аудиторлик амалиёти бўйича халқаро қўмита Халқаро бухгалтерлар федерацияси кенгаши номидан аудит стандартларини чоп этди, шунингдек, аудит текширишларини ўtkазиш билан бир вақтда қўшимча хизмат кўрсатиш бўйича халқаро стандартларни ишлаб чиқди.

Бугунги кунда халқаро аудит стандартлари 43 тани ташкил қилиб, улар куйидагилардан иборат (1.2-расм).

Шу билан биргалиқда Ўзбекистон суверен давлат сифатида аудит бўйича ҳукуматлараро ва халқаро профессионал ташкилотларга кириши ҳамда аудитнинг халқаро андозаларини ишлаб чиқишида фаол иштирок этиши лозим. Бу эса миллий аудиторлик андозаларини халқаро андозалар билан мувофиқлаштириш имконини беради. Бу тадбирлар охир-оқибатда

республикамизнинг жаҳон иқтисодий интеграциясига тобора чуқурроқ қўшилишига имкон беради.

- 
- аудиторлик текширувларини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича 36 та халқаро аудит стандарти
 - сифат назорати бўйича 1 та халқаро аудит стандарти
 - шарҳлар бўйича 2 та халқаро аудит стандарти
 - маҳсус аудит топшириклари бўйича 2 та халқаро аудит стандарти
 - профессионал хизматлар бўйича 2 та халқаро аудит стандарти

1.2-расм. Халқаро аудит стандартлари таркиби⁵.

Ҳозирги кунда аудитнинг халқаро стандартлари рўйхати қўйидагилардан иборат:

- «Халқаро аудит стандартлари ва турдош хизматларга изоҳ» - 100-сон ХАС;
- «Терминлар глоссарийси» - 110-сон ХАС;
- «Халқаро аудит стандартларининг концептуал асослари» - 100-сон ХАС;
- «Молиявий ҳисоботлар аудитининг мақсади ва уни тартибга солувчи асосий тамойиллар» - 200-сон ХАС;
- «Аудит ўтказиш тўғрисидаги келишув хати» - 210-сон ХАС;
- «Аудит сифатини назорат қилиш» - 220-сон ХАС;
- «Хужжатлаштириш» - 230-сон ХАС;
- «Алдаш ва хато» - 240-сон ХАС;
- «Молиявий ҳисобот аудити бўйича қонунлар ва меъёрий хужжатларни кўриб чиқиш» - 250-сон ХАС;
- «Аудитни режалаштириш» - 300-сон ХАС;

⁵ Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

- «Бизнесни билиш» - 310-сон ХАС;
- «Аудитда муҳимлик» - 320-сон ХАС;
- «Таваккалчиликни ва ички назорат тизимини баҳолаш» - 400-сон ХАС;
- «Компьютер ахборот тизими шароитида аудит» - 401-сон ХАС;
- «Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар хизматларидан фойдаланувчи субъектлар аудитига доир саволлар» - 402-сон ХАС;
- «Аудиторлик далиллар» - 500-сон ХАС;
- «Аудиторлик далиллар – аниқ моддаларга тааллуқли қўшимча саволлар» - 501-сон ХАС;
- «Дастлабки молиявий ҳисобот аудитида бошланғич қолдиқлар бўйича аудиторнинг маъсулияти» - 510-сон ХАС;
- «Таҳлилий амаллар» - 520-сон ХАС;
- «Аудиторлик танлаш ва тестлашнинг бошқа танлаш амаллари» - 530-сон ХАС;
- «Ҳисоб баҳолашларнинг аудити» - 540-сон ХАС;
- «Манфаатдор томонлар» - 550-сон ХАС;
- «Келгуси давр молиявий маълумотларини ўрганиш» - 560-сон ХАС;
- «Узлуксиз фаолият» - 570-сон ХАС;
- «Субъект раҳбариятига тушунтириш бериш» - 580-сон ХАС;
- «Бошқа аудиторлар иш натижаларидан фойдаланиш» - 600-сон ХАС;
- «Ички аудит хизмати ишини кўриб чиқиш» - 610-сон ХАС;
- «Эксперт хизматидан фойдаланиш» - 620-сон ХАС;
- «Молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси» - 700-сон ХАС;
- «Таққосланадиган кўрсаткичлар» - 710-сон ХАС;
- «Текширилган молиявий ҳисоботларда бошқа ахборотлар» - 720-сон ХАС;
- «Махсус мақсаддаги аудит шартномаси бўйича аудиторлик ҳисобот» - 800-сон ХАС;
- «Истиқболли молиявий маълумотларни текшириш» - 810-сон ХАС;

- «Молиявий ҳисоботнинг шарҳи бўйича келишув» - 910-сон ХАС;
- «Молиявий ҳисоботга тааллуқли амалларни бажариш бўйича келишув» - 920-сон ХАС;
- «Молиявий маълумотларнинг компиляцияси бўйича келишув» - 930-сон ХАС;

Аудитни халқаро талабларга мувофиқ ўзгартириш кейинги вақтларда Ўзбекистон учун тобора долзарб ишга айланмоқда. Бозор муносабатларини жадаллаштиришда республикамизнинг жаҳон бозорига янада чуқурроқ кириб бориши иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришни, иқтисодий муносабатларни янада кенгроқ амалга ошириш учун аудиторлик фаолиятини халқаро стандартларга мослаштиришни тақозо қилмоқда. Бу борада аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари ишлаб чиқилмоқда.

1.2. Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг аудиторлик текширувида халқаро стандартларни қўллашнинг ташкилий-хуқуқий асослари

Дунёда юз берган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда инқироздан имкон қадар кам зарап қўриш ва унинг олдини олиш борасида аудиторлик фаолиятининг ривожланиши ва унга қўйилган янгича талабларни эътиборга олиш зарурияти вужудга келди ва табиийки бу борада мамлакатимизда муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 1438-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда нобанк молия ташкилотлари, кредит уюшмалари, лизинг, суғурта ва аудиторлик компанияларининг ролини янада ошириш ҳамда тармоғини ривожлантириш, халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ уларнинг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар тури ва кўламини кенгайтириш,

акциядорлик жамиятлари фаолиятини янада яхшилаш, молия бозори инфратузилмаси институтларини мустаҳкамлаш масаласи ва молиявий ҳисботларга қуйиладиган талаблар жумласига энг аввало, улар молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида тузилиши белгиланди. Бундан ташқари, хўжалик субъектларининг молиявий ҳисботларини аудит қилишда ва аудит натижаси бўйича тузиладиган аудиторлик ҳисботларини аудитнинг халқаро стандартлари талаби даражасида ташкил қилиш масаласи қўйилди.

Акциядорлик жамиятлари молиявий ҳисботини ташқи аудит томонидан текшириш учун аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузилади ва шу асосда молиявий ҳисбот шаклларидағи ахборотларни бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларига мос келишига баҳо берилади. Текшириш жараёнида аудитор далилларни йиғади ва бу далиллар асосида аудиторлик ҳисботини тузади, ушбу ҳисбот натижалари бўйича якуний фикр, яъни мижознинг молиявий ҳисботи кўрсаткичларини бухгалтерия ҳисоби маълумотларига мос келиши тўғрисида аудиторлик хулосасини беради ва шу асосда молиявий ҳисбот кўрсаткичларини чоп этиш мумкин бўлади. Аудит ўтказилаётган субъектларнинг молиявий ҳисботида ахборот риски даражасини камайтириш учун фаолият баённомасида объектив ахборот бўлиши муҳимдир. Аудиторлик ҳисботи бошқарув тизимининг (текширилаётган субъектнинг бошқарувини) тузилишини эътиборга олиб, бундай ахборотни аудиторнинг текшириши, назорат қилиши янада ишончлироқ бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонунига биноан “Жамият Халқаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши

ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт” деб белгиланган⁶.

Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятлари ташқи аудити уларнинг молиявий ҳисботи бўйича мустақил экспертиза сифатида биринчи навбатда, унинг акциядорлари манфаати учун амалга оширилади. Бироқ агентлар доирасини фақат акциядорлар билан чеклаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки қарз маблағларни кенг жалб қилиш ушбу соҳадаги бизнеснинг ўзига хос хусусияти ҳисобланиши туфайли бизнинг фикримизча, аудиторлик хизматларига бўлган талаб акциядорлик жамиятларининг ҳақиқий ва бўлажак акциядорлари ҳамда кредит берувчилари томонидан шакллантирилади. Акциядорлик жамиятлари фаолияти натижалари ҳақидаги маълумот аввало, шериклик гурухлари таркибига кирадиган, яъни келгусида акциясини сотиб олишни режалаштираётган ва унинг молиявий фаолиятида бевосита иштирок этадиган, бу фаолиятга ўз ҳиссасини қўшадиган ва ўз манфаатларидан келиб чиқиб, олинган маълумотларни таҳлил қиласиган фойдаланувчиларни қизиқтиради. Молиявий ҳисботдан манфаатдор фойдаланувчиларнинг кўпгина мақсадли гурухлари – ҳақиқий ва бўлажак мижозлар, контрагентлар, акциядорлар учун акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлиги якуний молиявий натижалар фойда ёки зарар, даромад ва харажатларда акс эттирилади. Бунда акциядорлик жамиятлари ишончлилигининг аҳамияти пасаймайди. Бироқ ушбу жамият капиталининг ликвидлиги ва етарлилиги менежерлар ҳамда тафтиш комиссиясининг доимий фаолиятига ҳам тааллуқлидир. Шу тариқа, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг молиявий натижаси унинг фаолияти самарадорлигини ифода этади ва аудиторлик текширувнинг мажбурий объектига айланади.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг молиявий натижаларига ташқи ва ички омиллар таъсир қиласиди. Шу сабабли уларни иқтисодий

⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни. 102-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 210-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 39-сон, 457-модда.

кўрсаткичлар тизими ёрдамида ўрганиш ва таҳлил қилиш лозим. Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг молиявий натижалари кўрсаткичлари тизимининг асосий вазифаси уларда амалга оширилаётган жараёнларни бир хил акс эттирадиган фаолият натижаларини ҳар томонлама ва комплекс баҳолашдан иборат. Акциядорлик жамиятлари фаолияти, улардаги бухгалтерия ҳисоби тизимини юритиш ва молиявий ҳисботи бўйича талаблар бошқа корхона ва компанияларига қўйиладиган талаблардан фарқ қиласи. Шу боис даромад ва харажатлар акциядорлик жамиятлари фаолиятининг молиявий кўрсаткичлари сифатида намоён бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, даромад ва харажатлар акциядорлик жамиятлари фаолиятининг молиявий натижалари сирасига киради. Бу эса, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, активлар ва пассивларни бошқаришнинг қабул қилинган услублари билан боғлиқдир.

Акциядорлик жамиятлари даромади ва харажатларни шакллантириш услугияти улар томонидан тузиладиган ҳисбот моддалари таркиби ва мазмуни билан боғлиқ. Акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисботнинг халқаро стандарти №1 (IAS) “Молиявий ҳисботларни тақдим қилиш”, молиявий ҳисботнинг халқаро стандарти №33(IAS) “Акцияга тўғри келадиган фойда”, молиявий ҳисботнинг халқаро стандарти №2 (IFRS) “Акциялар бўйича тўловлар” стандартларига мувофиқ акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳолат ва ялпи даромад тўғрисидаги ҳисботлар, акциялар бўйича тўловлар, соф фойданинг тақсимланиши каби масалаларни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, ушбу молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари ва бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрланган ялпи даромад тўғрисидаги ҳисбот шакли акциядорлик жамиятлари фаолиятининг молиявий натижалари кўрсаткичларини шакллантиришнинг иқтисодий модели ҳисобланади. Ушбу модель даромадлар манбаларига қараб

таснифланадиган олинган даромад гурухлари ва тегишли харажатлар гурухлари ўртасидаги нисбат принциплари асосида тузилади.

Аудиторлик фаолияти ривожланишининг ва бухгалтерия ҳисоби тизимини такомиллаштиришнинг ҳозирги босқичи миллий ва халқаро стандартларнинг ўзаро мувофиқлиги масалаларини олдинги ўринга чиқарди ва ушбу икки стандартлар тизимининг доимий равишда такомиллашиб бориши, ҳамда Ўзбекистонда Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) ва Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларининг (МХХС) амалиётда кўлланиши мазкур масаланинг долзарблигини узлуксиз тарзда сақлаб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида 2015-2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисботини нашр этиши ва уни Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2015 йил 6 майда қабул қилинган 02/1-246-сонли Тадбирлар режасини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2015 йил 20 июлдаги 70 ва 72-сонли “Акциядорлик жамиятлари учун йиллик молиявий ҳисботни нашр этиш ва уни Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказиш бўйича услубий тавсияни тасдиқлаш тўғрисида” қўшма қарори тасдиқланди, ва у Молия вазирлигининг веб-сайтига жойлаштирилди (<http://www.mf.uz>)

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўлими - Хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби ~ Бухгалтерга ёрдам).

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни билан аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш учун қулай шароит яратилган.

Бунда, АХС ва МҲҲСни жорий этишда аудиторлар ва бухгалтерларнинг республика профессионал жамоат бирлашмалари муҳим ўринни эгаллайди. АХС ва МҲҲС матнларини инглиз тилидан давлат тилига таржима қилиш бўйича тадбирларни самарали амалга ошириш мақсадида АХС ва МҲҲС матнларини таржима қилиш масъулияти Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4720-сонли фармони ижросини таъминлаш, хусусан акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида бугунги кунда қуйидаги муҳим вазифалар амалга оширилмоқда:

- Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор идоралар ва акциядорлик жамиятларининг кузатув кенгашлари билан ҳамкорликда акциядорлик жамиятлари ташкилий тузилмасини уларнинг тармоқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда, мазкур фармоннинг иловасида келтирилган намунавий тузилмага мувофиқлаштирилмоқда;
- давлат улушига эга акциядорлик жамиятларининг раҳбарлари таркиби корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари ва принциплари, менежмент ва маркетингни, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда уларни ишлаб чиқаришни бошқариш тизимида қўллай билиши бўйича аттестациядан ўтмоқда, ҳамда аттестация якунлари бўйича бўшаган лавозимларга янгича фикрлайдиган, замонавий талабларга жавоб берадиган

юқори малакали раҳбарлар, шунингдек, хорижий менежерларни жалб этиш чоралари кўрилмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимизда давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали ташкил этилиши ҳам мамлакат иқтисодиёти ҳам корпоратив тузилмалар молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қиласи. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қиласи.

1.3. Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг аудиторлик текширувида ҳалқаро стандартларни қўллашнинг аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига (АФМС) № 70 “Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосаси” номли стандартгакўра: “Аудиторлик ҳисоботи – хўжалик юритувчи субъект раҳбари, мулкдори, иштирокчилари (акциядорлари) умумий йиғилишига тақдим этиладиган, аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлиар, молиявий ҳисоботдаги ҳуқуқ бузилишлари тўғрисида батафсил маълумотлар, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш натижасида олинган ва аудиторлик хулосасини тузиш учун асос ҳисобланадиган бошқа ахборотдан иборат бўлган ҳужжат” деб таъриф берилиган. Ушбу таърифда энг асосий масала ҳисоботни факат хўжалик юритувчи субъектга тақдим этилишидир. Аудиторлик ҳисоботи таркибига кўра 3 қисмдан иборат:

1. Кириш қисми.
2. Тахлилий қисм.
3. Якуний қисм.

Ҳалқаро аудит стандартлари бўйича ушбу масалалар 2 та стандартда ҳисобга олиб борилади. Ҳалқаро аудит стандарти № 700-Молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик ҳисоботи; Ҳалқаро аудит стандарти 800-Махсус

мақсадлар бўйича аудит келишувига доир аудиторлик ҳисоботи номли стандартларда ҳисобга олинади.

Кириш параграфида аудиторлик фирмаси ва аудит қилинаётган субъектнинг манзили, кимга аудиторлик ҳисоботини тақдим этилиши, унинг номи кўрсатилиши керак.

Аудит масштаби параграфида аудит процедураларини амалга ошириш ва унинг натижалари ўз ифодасини топиши ва улар бўйича аудиторлик далилларини келтирилади. Аудиторлик ҳисоботида қуидагилар ўз ифодасини топиши лозим:

1. Молиявий ҳисботни очиб берувчи ва суммаларини тасдиқловчи далилларни тестлар асосида текшириш;
2. Молиявий ҳисботни тайёрлашда фойдаланилган бухгалтерия ҳисоби принципларини баҳолаш;
3. Молиявий ҳисботни тайёрлашда субъект раҳбарига оид муҳим натижаларни баҳолаш;
4. Молиявий ҳисботнинг умумий тақдимини баҳолаш.

Аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик ҳисботовини тузишда ташқи аудитни ўтказиш модулига катта эътибор берилади. Ҳозирда аудиторлик ҳисботларини тузиш ва уни маълум тартибни белгилаш зарурияти пайдо бўлмоқда. Шу сабабли, ташқи аудит ўтказиш кетма-кетлигини ишлаб чиқиш ва унинг аниқ ҳамда ишончли ахборот олиш имконияти ташқи аудит самарасига ижобий таъсир қиласи.

Бундан ташқари, ташқи аудит жараёнида мижознинг ички назорат тизимининг ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуидагиларни ўз ичига олиши керак:

- ички назорат тизимининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига мувофиқлиги умумий баҳоси;
- аудиторлик текшируви мобайнида аниқланган ички назорат тизимининг хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг миқёслари ва хусусиятига жиддий номувофиқликлари баёни.

Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи холатини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботни тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;
- аудиторлик текшируви давомида аниқланган бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботни тайёрлашнинг белгиланган тартибини тузишда жиддий бузишлар баёни.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан молиявий-хўжалик операцияларини амалга ошириш пайтида қонунларга риоя этишини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуидагиларни ўз ичига олиши керак:

1. Хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий-хўжалик операцияларининг қонунчиликка мувофиқлигини баҳолаш;
2. Аудиторлик текшируви давомида аниқланган, хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий-хўжалик операцияларнинг қонунчиликка жиддий номувофиқликлари баёни.
3. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаши ва тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборот қуидагиларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқдир:
 - тузилган ва тегишли органларга тақдим этилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғрилигининг баҳоси;
 - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартибини бузиш фактлари, солиқ солинадиган базани белгилаш пайтидаги четга чиқишилар баёни.

1. Активлар бутлигини текшириш натижалари активларни инвентарлашга асосланиши ва ўз ичига уларнинг ҳақиқатда мавжудлиги ва бутлиги тўғрисидаги маълумотларни олиши керак.

Ташқи аудит текширувининг якуний қисмида аудиторлик ташкилотининг аниқланган четга чиқишилар ва ҳукуқ бузилишларини

бартараф этишга доир тавсияларини, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга доир таклифлари ва маслаҳатларини ўзи ичига олиши керак. Ушбу ҳолат аудиторлик ҳисботларни тузишда аудиторлик ташкилотларининг самарали фаолият кўрсатиши учун уларнинг ички стандартларини (қоидаларини) шакллантиришда ушбу модулдан фойдаланиш аудит ишини режалаштиришни яхшилаш имкониятини яратади.

I боб бўйича хулоса

Диссертациянинг 1-бобида акциядорлик жамиятлари фаолиятининг аудиторлик текшируvida халқаро стандартларни қўллашнинг ташкилий-хуқуқий асослари ва уларнинг аҳамияти ёритиб берилган. Мазкур бобда Аудиторлик текширувларида халқаро стандартларни қўллашнинг моҳияти, мақсади ва унинг ўзига хос хусусиятлари, Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг аудиторлик текшируvida халқаро стандартларни қўллашнинг ташкилий-хуқуқий асослари ҳамда Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг аудиторлик текшируvida халқаро стандартларни қўллашнинг аҳамияти ёритилган.

Бугунги кунда халқаро аудит стандартларини ишлаб чиқишида бой тажриба тўпланган бўлишига қарамасдан, уларнинг дунё мамлакатлари бўйича қўлланилиши борасида муаммолар мавжуд. Бунга, албатта, жаҳон мамлакатларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимларининг турли моделлари амал қилиши сабаб бўлмоқда. Жаҳон мамлакатларида аудит тизимиuni унификациялашда, аввало, аудиторлик стандартларининг барча мамлакатларда тўла-тўқис қабул қилинишига эришиш лозим. Шундагина бутун дунёда аудиторлик фаолиятини байналминаллаштириш имконияти туғилади.

II БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ АМАЛИЁТИ

2.1. Аудиторлик текширувларини режалаштириш жараёнида халқаро стандартларни қўллаш тартиби

Республикамида кейинги йилларда иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларига янада кенгроқ эътибор берилмоқда. Буборада, айниқса, аудиторлик бозори ривожланишининг барқарор динамикаси кўзга ташланмоқда. Аудиторлик ташкилотлари мижозлар сонининг кўпайиши ва улар хизматлари сифатининг ошиши, аудиторлик хизматига бўлган эҳтиёжнинг йилдан йилга ошиб бораётганлиги Ўзбекистонда ушбу фаолиятни ривожлантириш ва халқаро стандартлар асосида ташкил этиш ҳамда ўтказиш зарурати борган сари давр талабига айланиб бормоқда. Бу борада Президентнинг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли Фармони⁷ ва 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615 - сонли Қарори⁸ Республика акциядорлик жамиятлари ва аудиторлик ташкилотлари олдига 2018 йилга қадар хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтказиш, молиявий ҳисбот аудитини эса халқаро аудит стандартларига мувофиқ амалга ошириш вазифасини қўйди.

Халқаро стандартларга ўтиш акциядорлик жамиятлари мутахассислари ва аудиторларнинг ўзларида муайян амалий қўнималар ва назарий тайёргарлик бўлишини талаб қиласиди. Ташкилий ва техник вазифаларни ҳал этиш учун ўтиш даври зарур. Фармонда мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини ривожлантиришга оид навбатдаги босқич вазифалари белгилаб берилган. Маълумки, барча фаолият уни режалаштиришдан бошланади.


⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошкарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ПФ-4720-сон Фармони. www.lex.uz

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги ПҚ-615-сонли Қарори ўзгаришлар билан. // “Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами”, (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 йил 2-сентябрь., 35-сон, 444-модда).

Режанинг тўғри тузилиши уни самарали ташкил этилиши билан изоҳланади. Шу сингари, аудиторлик текширувларини режалаштириш жараёни ҳам “Аудитни режалаштириш” деб номланган 300-сонли аудитнинг халқаро стандарти асосида тартибга солинади⁹. Шунингдек, аудиторлик текширувлари кам вақт талаб қилиши ва иқтисодий тежамкор бўлишида режанинг оптимал тузилиши талаб этилади. Бунинг учун эса, аудитни режалаштиришнинг мақсади, унинг босқичларини тўлиқ ўрганиш, ундаги муаммоларга холисона баҳо бериш, уларни бартараф этиш асосида режалаштириш жараёнини такомиллаштириш зарур. Бу борада унинг ҳуқуқий заминини мустаҳкамлаш талаб этилади. Бироқ, таъкидлаш жоизки, аудиторлик хизматининг иш сифати уни тўғри режалаштиришга бевосита боғлиқдир. Маълумки, қонунчиликда аудиторлик текширувини режалаштиришда аудиторлик ташкилоти томонидан қўлланиладиган меъёрлар №3 «Аудитни режалаштириш» номли АФМС асосида амалга оширилиши мажбурий этиб белгиланган бўлсада, бироқ, амалиётда эса аудиторлик ташкилотлари томонидан мазкур стандарт талаблари ёки унда белгиланган тартиб- қоидаларга текширувлар жараёнида тўлиқ амал қилинмаяпти ёки ҳар бир текширувнинг умумий режаси ва иш дастури турлича ёндашувлар асосидаги мазмун ва шаклларда тайёрланиб келинмоқда. Бу эса, текширув муддатини узайишига, текширувлар жараёнида қатнашувчи ҳар бир аудитор ёкиёрдамчи аудиторнинг ўз вазифасини аниқ белгилаб берилмаганлиги сабабли, улар томонидан йўл қўйиладиган хато ёки камчиликларни кўпайишига ва текширув жараёнини маълум кетма-кетликсиз ёки тартибсиз равишда амалга оширилишига олиб келади. «Аудитни режалаштириш» номли №300 АХСга мувофиқ режалаштириш аудиторлик текширувини ўтказишнинг бошланғич босқичи ҳисобланиб, аудиторлар режа

⁹ Сифат назорати, аудит, кўриб чиқиши, бошка ишонч билдириш ва турдош хизматларнинг халқаро стандартлари тўплами, 2012. 2012 Handbook of International Quality Control, Auditing, Review, Other Assurance, and Related Services Pronouncements. Translated by: National Association of Accountants and Auditors of Uzbekistan Status: Completed. Copyright © 2017 The International Federation of Accountants (IFAC). All rights reserved. <https://www.ifac.org/publications-resources/2012-11>

тузилгунга қадар бевосита текширув жараёнини бошламасликлари ва аудиторлик текширувининг барча босқичларида умумий режа ҳамда дастурда келтирилган вазифаларни қатъий тартибда амалга оширишлари лозим. Стандартга мувофиқ, аудиторлик текширувины режалаштириш жараёни қуидаги босқичларда амалга оширилиши лозим:



2.1-расм. Аудиторлик текширувины режалаштириш босқичлари¹⁰.

Таъкидлаш жоизки, аудитни режалаштириш жараёни аудиторлик текширувины дастлабки режалаштиришдан бошланиши қонун хужжатларида кўрсатилган бўлсада, юқорида номи келтирилган АХСда мазкур жараёнда бажариладиган вазифалар ёки аудиторлик амаллари мазмuni аниқ келтирилмаган. Жумладан, аудитни дастлабки режалаштириш босқичида юқорида номи келтирилган АХСга мувофиқ аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти билан аудитни ўтказиш билан боғлиқ асосий ташкилий масалаларни келишиб олиши белгиланган бўлиб, бунинг учун аудитор хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти билан

¹⁰ Муаллиф томонидан тузилган.

танишиши ва корхона фаолияти тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлиши талаб этилган. Мазкур стандартда аудитор корхона фаолияти тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлиши учун эса унинг бир қанча асосий хужжатлари, жумладан, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати ва унга ўзгартиришлар киритишни тартибга солувчи ҳужжатлар, хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш ҳужжатлари (режалар, сметалар, лойиҳалар), хўжалик юритувчи субъектнинг контрактлари, шартномалари, битимлари, аудитор маслаҳатчиларининг ички ҳисоботлари, солик текширувлари материаллари, суд даъволари материаллари, хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилишларини тартибга соладиган ҳужжатлар, хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ва ижрои ходимлари билан суҳбатлардан олинган маълумотлар, хўжалик юритувчи субъектни унинг асосий участкалари, омборларни кўздан кечиришдан олинган ахборотлар билан танишиб чиқиши талаб этилган. Шундан сўнг, аудиторлик ташкилоти 300-сон АХСга мувофиқ “дастлабки режалаштириш босқичида аудиторлик ташкилотиаудитни ўтказиш имкониятини баҳолайди. Агар аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказишни мумкин деб ҳисобласа, У аудитни ўтказиш учун штатни шакллантиришга ўтади” дейилган¹¹.

Фикримизча, стандартдаги мазкур банд мазмунини турли маъноларда талқин этиш мумкин. Масалан, банд мазмунини “дастлабки режалаштириш босқичида аудиторлик ташкилоти аудитни ўтказиш имкониятини баҳолайди. Агар аудиторлик ташкилоти юқоридаги маълумотларни ўрганиши натижасида аудит ўтказишни мумкин деб ҳисобламаса ёки корхона фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш имкониятини паст баҳолаган тақдирда, аудитни ўтказишдан бош тортиши ёки аудиторлик шартномасини тузмаслиги мумкин” деб талқин этиш мумкин. Фикримизча, агарда аудиторлик ташкилоти корхона фаолияти бўйича юқоридаги ҳужжатларни ўргансаю, бироқ, аудиторлик текширувини ўтказмасликка қарор қабул

¹¹ Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Конуни. 200 йил 26 май.

қилган тақдирда корхона фаолиятининг тижорат сири каби маҳфий маълумотларини четга чиқиш хавфи ошади. Чунки, шартнома имзоланмаганлиги сабабли аудиторлик ташкилотини маҳфийлик тамойилига риоя қилишига кафолат бериб бўлмайди. Бу эса, стандартдаги дастлабки режалаштириш жараёнининг мазмунига ва бу босқичда бажариладиган вазифаларга аниқлик киритишни талаб этади. Бизнингча, энг аввало, стандартга дастлабки режалаштириш жараёни мазмунини ифодаловчи қўшимча банд киритиш лозим. Мазкур таклиф этилаётган бандда дастлабки режалаштириш босқичига қўйидагича таъриф беришни таклиф этамиз. Аудитни дастлабки режалаштириш босқичи бу – хўжалик юритувчи субъект ва аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик шартномасини тузгунгача бўлган ишларни ўз ичига олиб, бу босқичда аудиторлик ташкилоти томонидан текширув буюртмачиси фаолияти билан танишиш, буюртмачига аудиторлик фаолиятини ўtkазиш хуқукини берувчи тегишли лицензияни ва аудитор (аудиторлар)нинг малака сертификатини тақдим этиш, корхонанинг ички ва ташқи фаолият хусусиятлари тўғрисида маълумот тўплаш ва текширув буюртмачисини аудиторлик текширувидан ўтказа олиш салоҳиятини баҳолаш, аудиторлик шартномаси шартларини корхона раҳбарияти билан келишиб олиш ва корхонани текшириш учун аудиторлик ишчи гурухини шакллантириш ҳамда якунда аудиторлик шартномасини расмийлаштириш жараёнидир.

300-сон АҲСда келтирилган хўжалик юритувчи субъект тўғрисидаги ахборот олиш манбалари таркибидаги хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш хужжатлари (режалар, сметалар, лойиҳалар), хўжалик юритувчи субъектнинг контрактлари, шартномалари, битимлари, аудитор маслаҳатчиларининг ички ҳисоботлари, солиқ текширувлари материаллари, суд даъволари материаллари, хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилишларини тартибга соладиган хужжатлар, хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ва ижрочи ходимлари билан сұхбатлардан олинган маълумотлар, хўжалик юритувчи субъектни, унинг

асосий участкалари, омборларни кўздан кечиришдан олинган ахборотларни дастлабки режалаштириш маълумот манбалари таркибидан чиқариб ташлашни таклиф этамиз, чунки, ҳали аудиторлик шартномаси тузилмаган аудиторлик ташкилотига корхона томонидан бундай маълумотларни тақдим этилиши корхонанинг молия- хўжалик фаолиятига оид сирларини четга чиқиб кетиш хавфини оширади деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш бўйича тавсиялар 300-сонли “Режалаштириш” номли халқаро стандартда келтирилган. Унга кўра аудитни режалаштиришнинг моҳияти - қўйилган мақсадга яъни, бухгалтерлик (молиявий) ҳисботнинг ҳаққонийлигини тасдиқлашда юқори самара билан эришиш мумкин бўлган усул, услуб, таҳлилий русум қоидаларни танлашнинг тактика ва стратегиясини белгилашдан иборатdir.

Стандартнинг “Ишни режалаштириш” бўлимида аудитни режалаштириш ҳажми хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолиятининг катта ёки кичиклиги, унинг иқтисодиётнинг қайси тармоғи ёки соҳасига мансублиги, аудиторлик текширувини ўтказишнинг қийинлиги, текширувда иштирок этадиган ходимларнинг малакаси ва ҳ.к.ларга боғлиқ равишда акс эттирилиши таъкидланади. Аудитни режалаштиришнинг энг муҳим қисми - бу мижоз бизнеси, яъни айнан мижознинг молиявий ҳисботига таъсир қўрсатиши мумкин бўлган содир бўлган молия-хўжалик муомалалари ҳақида ахборотга эга бўлишdir.

Ушбу бўлимда яъни “мижозни билиш” термини асосида тармоқдаги иқтисодий омилларни таҳлил қилиб, мижоз бизнесига таъсир қўрсатиши ўрганилади, бизнес натижаларини тавсифловчи қўрсаткичларга баҳо беришга ҳамда раҳбарият компетентлиги даражасини аниқлашга эътибор қаратилади.

Умумий режасини тузишда аудитор аниқланмаслик риски ва ички назорат рискини кутилаётганлик даражаси баҳоланади. Шунингдек, молиявий ҳисббот хато ва камчиликларни бўлиши мумкинлиги эҳтимоли ҳамда бухгалтерия ҳисбидаги оғир, оқсаётган томонлар яъни бир сўз билан айтганда, муҳимлилик қўрсаткичи аниқланиши эътироф этилади. Бундан

ташқари, аудитни режалаштиришда текширувга бошқа аудиторларнинг жалб этилиш масаласи, мижознинг филиаллари ва шўъба корхоналарини текширишда эксперт ва бошқа мутахассисларни таклиф этилиш жиҳатлари ҳам кўрилиши керак.

Асосийси, ушбу ишчи дастурларида назарда тутилган, фойдаланиладиган усуллар йифиндиси ишнинг мазмун ва моҳиятини янада бойитувчи восита эканлигини ҳар доим ёдда тутишимиз лозим, яъни услубиёт - бу мавжуд муаммоларнинг ечимини очиб бериш йўлларини кўрсатувчи дастак дейиш ҳам мумкин. Аммо, усулларнинг туб моҳиятини таҳлилий амаллар ташкил қиласди. Барча усулларда ҳам таҳлилий амаллар ўтказилиб, далил сифатида маълумот олинади. Таъкидлаш жоизки, таҳлилий амаллар текширувни ишончли эканлигини ҳамда далиллар олишни таъминлайди. Аудиторлик далилларни олишнинг асосий усулларига инвентаризация қилиш, хўжалик ва бухгалтерия муомалаларини кузатиш, оғзаки сўраш, ёзма тасдиқ олиш, учинчи шахслардан олинган хужжатларни текшириш, арифметик ҳисоб-китобларни текшириш, таҳлил қилиш ёрдамида амалга оширилади. Айрим маҳсус адабиётларда аудиторлик далилларининг бир қанча турлари келтирилган¹². Шунингдек, айрим иқтисодчи олимлар аудиторлик далилларини олиниш тартибига кўра моддий ва шахсий, олиниш усуллари бўйича тескари ва тўғри, асосланишига қараб оғзаки ва ёзма, келиб чиқишига кўра ташқи ва ички аудиторлик далилларига ажратишади¹³.

Хўжалик юритувчи субъектларда аудит текширувни ўтказишида тест амалларидан ички аудит тизими ҳолатини, хўжалик муомалалари моҳиятини ёритишида, таҳлилий амалларни бажариш чоғида ҳамда ҳар бир элементлар бўйича қолдиқлар суммасини аниқлашда фойдаланилади. Ушбу ҳолатлар ҳар бирини таҳлилий амалларни бажаришнинг маълум бир кўриниши сифатида ҳам баҳолаш мумкин.

Аввалроқ, юқорида келтирилган таҳлилий амаллар, бизнингча, аудит

¹² Бычкова С.М. Аудиторская деятельность. Теория и практика. -Санкт-Петербург, Ланъ, 2000. - С. 67-71;

¹³ Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик. Т.: Молия, 2003. - Б. 60.

текширувларида қўлланилган усулларга аниқ бир, ишончли ойдинлик киритиш мақсадида ҳамда текширувларнинг сифатини оширишда, қолаверса, аудит рискини ва аудитнинг муҳимлигигини камайтиришда аҳамияти беқиёс.

Айрим иқтисодчи олимлар аудит ўтказишида таҳлилий амалларнинг 4 та вазифаси мавжуд деб ҳисоблашади. Булар қуидагилардан иборат:

- 1) Мижознинг бизнеси билан танишув;
- 2) Муассасанинг фаолият кўрсатувчанлик қобилиятини баҳолаш;
- 3) Молиявий ҳисоботда хатоларнинг мавжуд бўлиши мумкинлиги эҳтимолини баҳолаш;
- 4) Деталлашган аудиторлик тестларининг сонини қисқартириш ва ҳоказолар¹⁴. Ушбу таҳлилий амаллар, айнан аудит ўтказишнинг режалаштириш босқичида бажарилиши дикқатга сазовордир. Чунки, бунда фақат ушбу таҳлилий амаллар орқалигина биз кейинги ишга маълум бир аниқлар киритиш мумкин бўлади. Таҳлилий амалларнинг самарадорлиги маълум омилларга боғлиқ. Масалан, уларга вақт бўйича танлаш, мақсадни аниқлаш, тестни лойиҳалаш, мижоз ҳақидаги маълумотларни тармоқ бўйича таққослаш, мижознинг жорий ва ўтган даврлардаги маълумотларини таққослаш, мижоз маълумотларини аниқ мижоз ҳақидаги кутилаётган натижалар билан таққослаш, мижоз маълумотларини аниқ аудитор томонидан кутилаётган натижалар билан таққослаш ва ҳоказолар. Айрим амаллар олдин таъкидлаганимиздек, режалаштириш даврида амалга оширилади. Яъни, аудитор аудитнинг мақсади, олдинда турган иш ҳажми ва муддатини аниқлаши жуда муҳим. Режалаштириш вақтида содир этилган амаллар аудиторга муҳим вазиятларга ойдинлик киритишда ёрдам берса, сал кейинроқ, яъни, аудит жараёнида бажарилган амаллар текширувда асосий дикқатни талаб қиласди. Хўжалик юритувчи субъектларда бевосита таҳлилий амаллар қўлланилиши натижасида ўтказилган аудит текширувлари сифати ошади. Шу боис, аудитда таҳлилий амалларнинг берадиган самараси юқори

¹⁴ Суйц В.П., Ахметбеков А.Н., Дубровина Т.А. Аудит: общий, банковский, страховой. –М.: ИНФРА, 2000, - С.152.

эканлигини кўриш мумкин. Чунки, уларни қўллаш орқали молиявий фаолият натижасига чуқурроқ баҳо бериш имконияти яратилади.

Иқтисодий исоҳотларнинг чуқурлашуви ва аудиторлик фаолияти ривожи Ўзбекистонда хўжалик юритиш тизими мураккаблаша бораётган бир пайтда ташкилотлар фаолиятини баҳолашнинг янгича меъзонларини ишлаб чиқиши заруриятини вужудга келтиради. Ҳар қандай миқдорий кўрсаткичлар бўйича текшириш ва улар фаолиятини баҳолашда сифат кўрсаткичлари орқали ташкилот ривожланиш йўлини аудиторлик баҳолаш чоғида текшириладиган динамик алоқалар асосига қурилган баҳоларга ва ўлчаш усулларига астасекин ўтиш лозим. Бошқача айтганда, ҳозирги вақтда аудиторлар олдида жуда муҳим, хўжалик юритувчи субъектлар тараққиёт йўлини баҳолашнинг янгича усулларидан фойдаланиб, аудитнинг якунловчи босқичига ўтиш вазифаси турибди. Аудиторлар юқоридаги тасниф қилинган усулларга асосланган ҳолда, иқтисодий ахборотни компьютер дастурларидан фойдаланиб, аудиторлик фаолиятини амалга оширишнинг энг мақбул имкониятларини вужудга келтирадилар.

300-сонли халқаро аудит стандартига биноан аудитнинг умумий режасида эътибор берилиши керак бўлган энг асосий аспектлар сирасига ўзаро алоқадор томонлар билан муносабатлар, инқирозга сабаб бўлувчи жиҳатларга катта аҳамият қаратилиши эътиборга олинган.

Стандартнинг “Аудит дастури” бўлимида аудитор режадан келиб чиқсан ҳолда аудит дастурини ишлаб чиқиши ва уни ҳужжатлаштириши зарур деб эътироф этилган. Чунки, бунда ўтказилиши зарур бўлган аудиторлик таҳлилий амалларининг ҳажми, муддатлари кўрсатилиши, аудитнинг умумий режасини амалга ошириш учун биринчидан, аудитор ассистентларига уларни бажариш бўйича йўриқнома бўлиб хизмат қилиши ҳамда иккинчидан, улар ва бажарилган ишлар устидан назорат воситаси эканлиги аҳамиятлидир.

Стандартнинг “аудитнинг умумий режаси ва дастуридаги ўзгаришлар” бўлимида эса уларни аудит жараёнида қайта кўриб чиқиш ва ўзгартириш мумкинлиги таъкидланган. Ушбу бўлимда айтилишича, режалаштириш

аудитнинг бутун муддати давомида турли кўзда тутилмаган фавқулодда ҳолатлар, вазиятлар вақтида бажарилиши керак бўлган таҳлилий амалларни, аниқлик киритиш мақсадида қўлланиладиган усулларни киритиш учун қўшимча киритилиши ва ўзгартилиши мумкин. Бу ҳолатлар эса бизнингча ҳам жуда тўғри ва таҳсинга лойик. Ушбу қўшимчалар аудит сифатини фақат оширишга хизмат қиласи.

Шуни таъкидлаш жоизки, №300 аудитнинг халқаро стандарти биринчи навбатда мижоз молиявий ҳисобот аудитини такрорий ўтказиши режалаштиришда кенг қўлланилиши эътироф этилган. Агар мижоз фаолияти биринчи марта текширувдан ўтказилса аудитор жуда кенг маълумотлардан фойдаланган ҳолда режа ва дастур таркибини стандартга биноан батафсилроқ тартибда тузиши кераклиги таъкидланган.

Халқаро стандартда ҳам айнан миллий стандартда бўлгани каби режалаштиришнинг таркибий қисмлари бир хил ном билан аталган. Бироқ, аудитни режалаштириш 2.2-расм кўринишида бўлиши кераклиги эътироф этилган.



2.2-расм. Халқаро аудит стандарти асосида аудитни режалаштириш¹⁵.

¹⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Стандартдаги назарий қоидага кўра мижоз аудиторлик ташкилотига расмий аудиторлик хизматини кўрсатиш, текширув ўтказиш тўғрисидаги таклиф хати билан мурожаат қилгандан сўнг, аудиторлик ташкилоти мижозга аудит ўтказиш тўғрисида хат юбориши лозим. Бироқ, амалиётда аксарият ҳолларда бунинг аксини кузатиш мумкин. Шунингдек, аудит ўтказиш тўғрисидаги хатга мижоз раҳбариюти билан текширув шартларини келишиб олиш учун аудитнинг дастлабки режасини илова қилиниши мумкин. Бундан ташқари, ушбу ҳужжат таркиби аудитнинг умумий режасини тузиш учун зарур бўлган ахборот манбалари, таклиф этилаётган аудиторлик хизматлари, режалаштирилаётган ишлар турлари кабилар ҳам киритилиши кераклиги эътироф этилади. Текширувнинг дастлабки режалаштириш даврида салоҳиятли ҳамкорлар билан танишув амалга ошириладики, бунда аудит бўйича истиқболли ҳамкорлик келишиб олинади.

Шунингдек, ушбу босқичда жуда катта ҳажмли ахборот базаси ўрганиб чиқилади. Масалан, бунга хўжалик юритувчи субъектнинг мамлакатда ва мамлакатдан ташқаридаги бозордаги ҳолатига баҳо берилади, унинг ўзига хос хусусиятлари синчилаб ўрганиб чиқилади. Бу борада, халқаро стандартда аудиторлик ташкилоти раҳбари ва унинг етакчи мутахассислари қўйидагилар қўшимча тарзда таҳлил қилишлари эътироф этилади:

1. Таъсис ҳужжатларини таҳлил қилиш;
2. Ташкилот Уставини таҳлил қилиш;
3. Устав фондининг ташкил топиш манбалари, унинг тўлиқлиги ва ўз вақтидалиги;
4. Ташкилот ташкилий структурасининг самарадорлигини текшириш;
5. Ҳисоб-китоб муомалаларини текшириш;
6. Касса муомалалари юритилиши ва уни расмийлаштиришнинг тўғрилиги;
7. Ташкилот активлари билан боғлиқ муомалаларни текшириш;
8. Ташкилотнинг барча мажбуриятларини муддатлари бўйича таҳлил қилиш ва текшириш ҳамда қопланиш коэффициентига баҳо бериш;

9. Ташкилотнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловларининг ҳолатини ўрганиш;

10. Расмий молиявий ҳисоботни тузиш ва таҳлил қилиш;

11. Бухгалтерия ҳужжатларини текшириш.

Хулоса қилиб айтганда, назарий тадқиқотлар ва халқаро аудит стандарти талаблари кўрсатишича, ҳар қандай мижоз ташкилотлар ва аудиторлик тизими ҳаракатининг амалий жиҳати улар ривожланишининг янги, янада юксак истиқболли йўлга олиб чиқиш вазифасини амалга оширишга хизмат қилади ва бунда албатта аудит режаси ва дастури ҳал қилувчи катта аҳамиятга эга бўлади деб ўйлаймиз.

2.2. Аудиторлик текширувларини ўтказиш жараёнида халқаро стандартларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари

Республикамида миллий аудиторлик стандартларини тадбик этишда халқаро стандартларнинг қўлланиш тартиби, ривожланган мамлакатлардаги аудит тизимининг ташкил этилиши ва унда аудиторлик далилларни олиш усусларининг хусусиятларига муҳим этибор қаратишни тақозо қилади. Чунки, аудитотлик ташкилотлари корпорациялар, фирмалар ва бошқа хўжалик юритувчи тузилмаларнинг ишлаб чиқариш, молия-хўжалик фаолиятида муомалаларнинг тўғри амалга оширилгани тасдиқлаб, мижозларнинг уларга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилилишида аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик далилларни олишдан фойдаланиб, аудиторлик хулоасини тайёрлаши етакчи омил ҳисобланади. Шу орқали аудиторлик ташкилотлари фаолиятини барқарорлаштиришга эришишга хисса қўшиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Аудиторлик фаолиятини ривожлантириш устун даражада унинг назарий, хуқуқий – меъёрий, ахлоқий ва услубий жиҳатларини такомиллаштиришга боғлиқ.

Хўш, шундай экан диссертацияда кўриладиган изланишлар хам юқорида келтириб ўтилган жиҳатларга хизмат қилиши лозим. Бевосита

Халқаро Аудит Стандартлари асосида аудиторлик далиллар йиғишнинг хусусиятларини тадқиқ этсак.

Аудиторлик далилларга хақида халқаро стандартларда батафсил тұхталиб үтилған. Аудитнинг халқаро стандартлари – АХС (International Standards of Auditing – ISAs) да стандартлаш обьекти сифатида V – «Аудиторлик далиллар» (500-599) номли маңсус бўлим ажратилған. Ушбу бўлим 9 та стандартни ўз ичига олади:

№ 500 – «Аудиторлик далиллар» (Audit Evidence)

№ 510 – «Бирламчи келишувлар – бошланғич қолдиқлар» (Initial Engagements Opening Balances)

№ 520 – Аналитик амаллар (Analytical Procedures)

№ 530 – Аудиторлик танлаш (Audit Sampling)

№ 540 – Бухгалтерлик ҳисобида баҳоланадиган қийматлар аудити (Audit

of Accounting Estimates)

№ 550 – Бөглиқ томонлар (Related Parties)

№ 560 – Кейинги ҳодисалар (Subsequent Events)

№ 570 – Узлуксиз фаолият (Going Concern)

№ 580 – Раҳбариятнинг билдиргиси (Management Representations)

Ушбу стандартлар аудиторлик фаолиятининг халқаро амалиётида олинадиган далилларнинг етарлилық даражасини ва уларни тўплашга нисбатан қўйиладиган талабларни белгилайди. Аудитнинг халқаро стандартларида таърифланишича: “аудиторлик далиллар-бу аудиторлик хulosасига асосланадиган ва аудитор томонидан хulosани шакллантириш жараёнида олинадиган маълумот. Аудиторлик далиллар молиявий асосида ётадиган дастлабки хужжатлар ва ҳисоб ёзувлари ҳамда бошқа манбалардан олинган тасдиқловчи маълумотлардан иборат бўлади. Аудиторлик далиллар назорат тестлари ва моҳияти бўйича муолажаларнинг тегишли мажмуининг ўтказилиши натижасида олинади. Айрим вазиятларда далиллар моҳияти бўйича тўлиқ олиниши мумкин. Уларнинг хар бирига тўхталиб ўтсак.

Назорат тестлари- бу бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизимлари томонидан бажарилаётган вазифалар яроқли эканлигини аудиторлик далилларни олиш мақсадида бажарилаётган тест синовлари. Назорат тестлари асосида аудиторилик далилларни олишда ушбу далилларнинг етарли эканлиги ва мувоқлигини кўриб чиқиши лозим.

Моҳияти бўйича муолажалар- бу молиявий ҳисоботда муҳим нотўғриликларни аниқлаш мақсадида бажариладиган тест синовлари, улар қуидаги икки турга ажратилади:

- операциялар ва ҳисобварақлар қолдиқлари бўйича муфассал тестлар;
- таҳлилий муолажалар

Моҳияти бўйича муолажалар асосида аудиторлик аудиторлик далилларни олишда аудитор ушбу муолажалар асосида олинган аудиторлик далилларнинг ҳамда молиявий ҳисоботни тасдиқлаш мақсадида назрат тестлари натижасида олинган хар қандай далиллар билан биргаликда етарли бўлганлигини ва мувофиқлигини кўриб чиқиш лозим.

Етарлилик ва мувофиқлик тушунчалари ўзаро боғлиқ ва назорат тестлари билан бир қаторда, моҳияти бўйича натижасида олинган аудиторлик далиллар юзасидан қўлланилади. Етарлилик аудиторлик далилларнинг миқдорий ўлчамини ифодалайди; тегишлилик аудиторлик далилларнинг сифат ўлами, аниқ белгиланган тасдиқ юзасидан релевантлиги ва улар ишончлиги ҳисобланади. Одатда, аудитор якуний эмас, кўпроқ, ишонтирувчан бўлган далилларга таяниш лозим деб ҳисоблайди в бир хил фикрни тасдиқлаш учун турли тавсифга эга бўлган ёки турли манбалардан аудиторлик далилларни тўплайди.

Аудиторнинг айнан нима етарли бўлган тегишли аудиторлик деган касбий мулохазасига қуидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- молиявий ҳисобот даражаси билан бир қаторда, ҳисобварақлар қолдиғи ёки операциялар туркуми даражасида ҳам ажралмас таваккалчиликнинг тавсифи ва даражасига берилган аудиторик баҳо;

- бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизимларининг тавсифи ҳамда назорат тавакалчилигига баҳо бериш;
- текшрилаётган модданинг муҳимлиги;
- олдинги аудитлар пайтида олинган тажриба;
- аудиторлик муолажаларирининг натижалари, жумладан аниқланиши мумкин бўлган товламачилик ёки хатолар; мавжуд маълумотларнинг манбай ва ишончлилиги.

Булардан асосийси бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизимлари юзасидан аудитор аудиторлик далилларини олиши лозим бўлган жавхалар куйидагилар:

1. Ташкил этилиши- бухгалтерия хисоби ва ички назорат тизимлари муҳим нотўғриликларни олдини олиш ёки аниқлаш ва тузатиш учун мувофиқ равишда ташкил этилганлигини билдиради.

2. Вазифасини бажариш- тегишли даврда тизимлар самарали вазифаларини бажаришлигини ифодалайди.

Моҳияти бўйича муолажалар асосида далиллар олишдан келиб чиқадиган бўлсак, молиявий ҳисботнинг тасдиқлари – бу молиявий ҳисботга киритиладиган, бевосита ёки бошқа йўл билан билан тақдим этиладиган субъект раҳбариятининг тасдиқлари. Уларни қўйидаги туркумларга ажратилиши мумкин:

- мавжудлиги: актив ёки мажбурият муайян санага мавжуд бўлади;
- ҳуқуқлари ва мажбуриятлари: субъект актив ёки мажбуриятга муайян санада эгалик қиласи;
- ҳодиса: ҳисбот даври давомида субъектга таалуқли бўлган операция амалга оширилган ёки ҳодиса содир этилган;
- тўлиқлик: акс этилмаган активлар, мажбуриятлар, операцияла ёки ҳодисалар ҳамда ёритилмаган моддалар мавжуд эмас;
- баҳолаш: актив ёки мажбурият тегишли баланс қиймати бўйича акс этилади;

- ўлчами: операция ёки ходиса тегишли суммада акс этилади, даромад ёки харжатлар эса тегишли даврга ўтказилади;

- тақдим этиш ёки ёритиш: модда қўлланиладиган молиявий ҳисботни тақдим этишнинг концептуал асосларига мувофиқ ёритилади, туркумланади ва баён этилади.

Бундан ташқари шуни келтириб ўтиш жоизки, одатда аудитор молиявий ҳисботнинг ҳар бир аник белгиланган тасдиқлари бўйича аудиторлик далилларини олади. Қандайдир тасдиққа, масалан товар моддий захиралар мавжудлигига оид, таалуқли аудитолик далиллар, бошқа бошқа бир тасдиққа, баҳолашга оид, аудиторлик далиллар мавжуд эмаслигини қоплай олмайди. Моҳияти бўйича муолажаларнинг тавсифи, муддати ва ҳажми тасдиқларига қараб ўзгариши мумкин. Тестлар биттадан кўп тасдиқларни исботловчи аудиторлик далиларни тадим этиши мумкин: масалан, дебиторлик ундириш мавжудлик билан бир қаторда баҳолаш юзасидан хам аудиторлик далилларни тақдим этиши мумкин.

Аудиторлик далилларнинг ишончлилиги уларнинг манбаи ташқи (ички ёки) хамда уларнинг тависфига кўра (кўз билан қараш, ҳужжатли ёки оғзаки) боғлиқ. Агар аудиторлик далиларнинг ишончлилиги алоҳида вазиятлардан келиб чиқса, қўйидаги умумий қоидалар аудиторлик далилларнинг ишончлилига баҳо беришга ёрдам беради:

а) ташқи манбадан олинган аудиторлик далиллар (масалан, учинчи шахс томондан олинган тасдиқ) ички манбалардан олинган далилларга қараганда ишонлироқ хисобланади;

б) амалдаги бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларининг самарадорлигига ички манбалардан олинган аудиторлик далиллар ишончлироқ бўлади;

в) бевосита аудитор томонидан олинган аудиторлик далиллар субъектдан олинган далилларга қараганда ишончлироқ бўлади;

г) ҳужжат шаклида ва ёзма тақдимотлар кўринишида олинган аудиторлик далиллар оғзаки далилларга қараганда ишончлироқ бўлади.

Агар далилларнинг алоҳида элементлари турли манмабалардан олинса ёки турли тавсифга эга бўлиб изчил бўлса, аудиторлик далиллар ишончлироқ хисобланади. Ушбу холатларда аудитор аудиторлик далилларнинг элементларини алоҳида кўриб чиқиши натижасида олиниши мумкин бўлган ишончлилик даражасидан юқори бўлган ишончлиликнинг кумулятив даражасини олиши мумкин. Ва аксинча, бир манбадан олинган аудиторлик далиллар бошқасидан олинган далилларга изчил бўлмаса, аудитор бундай изчил бўлмаган ҳолатни ҳал этиш юзасидан қандай аудиторлик муолажалар лозимлигини аниқлаши керак.

Аудитор молиявий ҳисботнинг мухим тасдиғи юзасидан жиддий шубҳаланган тақдирда, у бундай шубхани бартараф этиш учун етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларни олишга ҳаракат қиласи. Агар аудитор етарли бўлган тегишли аудиторлик далилларини ололмаса, аудитор ўз фикрини шарҳлар билан билдириши ёки билдиришдан воз кечиши лозим. Шундан келиб чиқиб Аудитнинг Ҳалқаро Стандартлари бўйича аудиторлик далилларни олиш учун бир неча муолажлар бажарилиши кўзда тутилган. Буларнинг хар бирига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Текшириш бу ёзувлар, хужжатлар ёки моддий активларни ўрганиб чиқишдан(текширишдан) иборат. Ёзувлар ва хужжатларни текшириш аудиторлик далилларни манба тавсифи ҳамда уларга ишлов бериш юзасидан ички назорат самрадорлигига қарам бўлган турли ишончлик даражасидаги аудиторлик далиллар билан таъминлайдиган хужжатли аудиторлик далилларнинг асосий уч туркумига қуйидагилар киради:

- учинчи шахслар томонидан барпо этилган ва уларда мавжуд бўлган хужжатли аудиторлик далиллар;
- учинчи шахслар томонидан барпо этилган, лекин субъектда мавжуд хужжатли аудиторлик далиллар;
- субъект томонидан барпо этилган ва ундаги хужжатли аудиторлик далиллар.

Моддий активларни текшириш текшириш активлар мавжудлигини, лекин албатта улар қийматига эгалик қилишликни эмас, ишончли аудиторлик далиллар билан таъминлайди. Энди бевосита аудиторлик далилларни олиш мақсадида бажариладиган яна бир муолажа кузатишга ургу бериб ўтсак.

Кузатиш бошқа шахслар томонидан бажарилаётган ёки муолажаларни кузатишдан иборат, масалан аудитор субъект ходимлари товар моддий захираларни хисоблаб чиқиши ўтказилаётганлиги ёки аудиторлик из қолдирмайдиган назорат муолажалари бажарилаётганлиги юзасидан кузатиш мумкин. Навбатдаги аудиторлик далилларни олиш учун бажариладиган муолажа сўровнома ўтказиш ва тасдиқлаш хам мухим ахамиятга эга.

Сўровнома ўтказиш – бу субъект ичида ёки унинг ташқарисида хабардор шахслардан маълумот излаш. Сўровнома ўтказиш учинчи шахсларга йўлланган расмий ёзма сўровнома билан бир қаторда, шунингдек, субъект ичидаги шахслар билан ўтказилган норасмий оғзаки сўровномадан иборат. Сўровномалар бўйича олинган жавоблар аудиторга ундан аввал мавжуд бўлмаган ёки аудиторлик далилларни тасдиқловчи маълумот тақдим этиши мумкин.

Тасдиқлаш – бу ҳисоб ёзувларидағи маълумотларни тасдиқлаш учун сўровнома бўйича жавобларни тақдим этиш. Масалан, аудитор одатда дебиторлик қарзлар бўйича тасдқларни бевосита дебиторлирнинг ўзидан олиш учун сўровнома йўллайди.

Ҳисоб – китоб – бу дастлабки ҳужжатлар ва ҳисоб ёзувларининг арифметик аниқлигини текшириш ёки мустақил ҳисоб китобларни бажаришdir.

Таҳлилий муолажалар – бу мухим коеффициентлар ва йўналишларни, жумладан бундан келиб чиқадиган бошқа тегишли маълумотга изчил бўлмаган ёки истиқболлий белгиланган суммалардан фарқланадиган четга чиқишилар ва ўзаро боғлиқликларни таҳлил қилиш. Таҳлилий муолажаларга Аудитнинг Халқаро Стандартларида кенг тўхталиб ўтилган бўлиб, алоҳида

№ 520 Тахлилий муолажалар номли бўлим ажратилган. Унда келтирилишича, тахлилий муолажалар қуидаги мақсадларда қўлланилади:

- бошқа аудиторлик муолажаларнинг тавсифи, муддати ва ҳажмини режалаштиришда аудиторга ёрдам бериш учун;
- молиявий ҳисоботнинг аниқ белгиланган тасдиқлари бўйича аниклаб бўлмаслик таваккалчилиги пасайганда, муфассал тестларга қараганда қўлланиши самарадорлироқ ва оқилона бўлган моҳияти бўйича муолажалар;
- аудитнинг охирги, шархланадиган босқичда молиявий ҳисобот бўйича умумий шархлаш сифатида.

Тахлилий муолажалар, шунингдек, субъект фаолиятига асосланган масалан, ялпи фойданинг фоиз нисбати, истиқболлий намунага мувофиқ бўлиши кутилаётган молиявий маълумотлар элементлари ўртасидаги хамда молиявий маълумот ва тегишли равишда молиявий тавсифга эга бўлмаган маълумот, масалан, иш ҳақи бўйича харажатлар ва ходимлар сони ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўриб чиқади.

Аудитор тахлилий муолажаларни қўллашда фойдаланиладиган маълумотларни тайёрлашда назорат тест синовларидан, агар бу мавжуд бўлса, ўтказиш тўғрисида масалани кўриб чиқиши лозим. Агар бундай назорат самарали бўлса, аудитор маълумот ишончлиги ва бинобарин, тахлилий муолажалар натижаларига кўпроқ ишонч ҳосил қиласди. Моливий бўлмаган маълумот бўйича назорат кўпчилик ҳолатларда бухгалтерия ҳисобига таалуқли бўлган назорат билан биргаликда тест синовидан ўтказилиши мумкин. Масалан, субъект томонидан сотилган товарлар бўйича ҳисобварақ фактураларга ишлов бериш юзасидан белгиланган назорат сотилган маҳсулот бирлигини ҳисобга олишни юритиш юзасидан назоратни хам қамраб олиш мумкин. Бундай вазиятларда, аудитор сотилган бирликлар ҳисоби юзасидан назорат тестларини сотилган товарга оид ҳисобварвқ фактурамоддалрни қайта ишлаш юзасидан назорат тестлари билан бирга ўтказиши мумкин. Аудиторлик далилларни тўплаш мақсадида тест ўтказиш

учун моддаларни танлаб олиш даркор. Бунинг учун Аудиторлик муолажаларни ишлаб чиқиша аудитор тест синовларини ўтказиша моддаларни ажратиб олишнинг тегишли усулларини аниқлаши лозим. Ушбу усуллар қуидагилардан иборат:

- хамма моддаларни ажратиб олиш (100% текшириш);
- аниқ белгиланган моддаларни ажратиб олиш;
- аудиторлик танлаб олиш.

Қайси ёндашишдан фойдаланиш юзасидан қарор қабул қилиш вазиятларга боғлиқ, бунда муайян вазиятларда юқорида қайд этилган усулларнинг бир ёки бирлигигини қўллаш ўринли бўлиши мумкин. Бир ёки бирлик усулларини танлаш юзасидан қарор қабул қилиш тўғрисида қарор аудиторлик таваккалчилиги ва оқилона аудит қабул қилинса хам, аудитор тест вазифаларига жавоб берадиган етарли бўлган аудиторлик далилларни тақдим этишда қўлланиладиган усуллар самарали эканлигига ишонч хосил қилиши лозим. Шуни алоҳида эътибордан четда қолдирмаслик жоизки, аудиторлик далилларни олишда таваккалчилкни хисобга олиш мухим аҳамиятга эга. Чунки, далиллар олиш жараёнида аудитор аудиторлик таваккалчилигига баҳо бериш ва таваккалчиликни мақбул бўлган паст даражагача пасайтиришга қаратилган қаратилган аудиторлик муолажаларини ишлаб чиқиш учун керакли бўлган касбий мулохазалардан келиб чиқиш зарурдир.

Ҳалқаро Аудит Стандартлари асосида аудиторлик далилларни олиш юқорида келтириб ўтган хусусиятларимизга кўра амалга оширилади. Ушбуларга таянган холда аудиторлик далилларни олиш ижобий натижаларнинг самараси сифатида хизмат қиласи. Чунки, Аудитнинг Ҳалқаро Стандартлари ракобатли кураш шароитида юзага келган. Ҳалқаро амалиётда буларнинг барчаси тегишли тадқиқотлар ва кенг оммавий мухокамалар билан бирга олиб борилган. Натижада, хозирги даврга келиб аудитнинг мустахкам ҳалқаро хуқуқий асоси яратилди, уни ташкил этишнинг батафсил шакллари ишлаб чиқилди. Бизнинг республикамиизда хам ҳалқаро

тажрибани хисобга олган холда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 21 та аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (А.Ф.М.С.) ишлаб чиқилди ва Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилиб, аудиторлик амалиётида қўлланилмоқда ҳамда уларни ишлаб чиқиш давом этмоқда. Шуларни хисобга олган холда аудиторлик текширувларида аудиторлик далилларни олишда аудитнинг халқаро стандартлари меъзонларига эътибор қаратиш аудиторнинг иш сифатини таъминлашда етакчи омил бўлиб гавдаланади.

2.3. Халқаро стандартлар асосида аудиторлик хulosалари ва хисоботларини тузиш тартиби

Ўзбекистон Республикасида замонавий саноат тармоқларини барпо этиш ва ривожлантириш вазифасини бажаришда асосий масалалардан бири чет эл инвестициясини жалб қилиш ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш кўп жиҳатдан молиявий ҳисбот шаклларини ташқи фойдаланувчилар талаби асосида тақдим этилишига боғлиқdir. Молиявий ҳисботларни чет эллик инвесторлар талаблари асосида тақдим этиш учун ташқи аудит томонидан ушбу ҳисботлар аудит қилиниши ва унинг натижаси бўйича тегишли аудиторлик хulosаси берилиши лозим. Бунда албатта, аудиторлик текширувлари аудитнинг халқаро стандартлари асосида амалга оширилиши, молиявий ҳисботлар кўрсаткичлари халқаро амалиётда қабул қилинган молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида тузишни тақозо қиласи. Ушбу шароитда ташқи аудитни ташкил қилиш, шу жумладан аудит текшируви натижаларини тўғри ва халқаро талаблар даражасида умумлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисботлари ташқи аудитини ўтказиш ва унинг натижаларини умумлаштириш тартибини ишлаб чиқиш ҳам аҳамиятлидир.

Мазкур шароитда аудиторлик текширувларининг натижаси ҳисобланган аудиторлар ва аудиторлар ёрдамчилари томонидан ўзига берилган топшириқ бўйича тузилган аудитор ёки ёрдамчи аудитор ҳисботларининг шакли,

таркибий тузилиши ва уларни умумлаштиришнинг халқаро мезонлар асосида ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан, аудитор ва ёрдамчи аудиторларнинг ҳисоботлари асосида умумий аудит қилинган субъект бўйича аудиторлик ҳисоботини тузишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва шу асосда унинг мазмуни, умумлаштириш босқичларини такомиллаштириш масаласига эътибор қаратиш лозим. Аудиторлик ҳисоботлари таркибини кўришда асосий эътибор уларнинг мазмуни ва таркибий тузилишига қаратилади. Энг аввало, аудиторлик ҳисботи ва унинг таркибий тузилишини аудитнинг халқаро стандартида белгиланган тартибини таҳлил қилиш керак. Аудитнинг халқаро стандарти (АХС)нинг №700-«Молиявий ҳисоботлар тўғрисида фикр ҳосил қилиш ва ҳисбот (хулоса) бериш» стандартига кўра «Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўtkazilgan аудит натижалари бўйича аудиторлик ҳисботи қуидаги бўlimлардан иборат бўлади:

- номи;
- адресати;
- кириш параграфи;
- аудиторнинг жавобгарлиги;
- аудиторлик фикри;
- аудиторнинг имзоси;
- аудиторлик ҳисботи санаси;
- аудиторнинг манзили»¹⁶.

Ушбу стандартга кўра кириш параграфида аудит қайси хўжалик юритувчи субъектининг молиявий ҳисботлари бўйича ўtkazilganligi қайд этилади; молиявий ҳисботлар таркиби, даври бўйича аудит ўtkazilganligini, ҳисоб сиёсати ва изоҳлар; молиявий ҳисбот санаси ёки даври аниқ кўrsatiladi.

¹⁶ Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари. 2012. 1 қисм, 3-жилд. -Т.: ЎБАМА, 2014.-1502 б.

Аудит қилинаётган хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун жавобгарлиги белгиланади. Аудитор жавобгарлиги аудитор молиявий ҳисоботлар бўйича ўзи ўтказган аудит асосида ўз фикрини билдиришидан иборат. Аудитор фикри молиявий ҳисоботлар бўйича барча муҳим жиҳатларни ҳаққоний тақдим этишдир.

Ушбу стандарт асосида Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти ишлаб чиқилган бўлиб, унда қуидагича фикр билдирилган:

«Аудиторлик ҳисботида қуидагилар бўлади:

- а) номи («Аудиторлик ҳисботи» ёки «Аудиторлик ташкилотининг ҳисботи», иккала ном бир хил кучга эга);
- б) адресатнинг номи;
- в) кириш қисми;
- г) асосий қисм;
- д) якуний қисм» .

Хар иккала стандартни таққослагандан, қуидаги фарқларни кўришимиз мумкин: АХС №700-«Молиявий ҳисботовлар тўғрисида фикр ҳосил қилиш ва ҳисбот (хулоса) бериш» номли стандартда умумий тартиб бўйича ахборотларни, АФМС №70-«Аудиторлик ҳисботи ва молиявий ҳисбот тўғрисида аудиторлик хулосаси» номли стандартда эса асосий қисм З га яъни, кириш қисми, таҳлилий қисм ва якуний қисмлардан иборатдир. Бу фарқларни иккала стандартнинг қиёсий таҳлилида кўришимиз мумкин (1-жадвал).

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, АХС га нисбатан АФМС да ахборотлар маълум гуруҳларга ажратилган ҳолда берилган ва уни моҳияти нисбатан яхши очиб берилган. Масалан, таҳлилий қисмда аудитор томонидан амалга ошириладиган аудиторлик амаллари, тўпланган аудиторлик далиллари ва аудит жараёнидаги танлаш жараёнлари, аудиторлик риски ва муҳимлиликни белгиланиши кўрсатилади. Натижада аудитор томонидан

аудиторлик ҳисботини тузиш ва уни умумлаштириш жараёни анчагина енгил кечади.

2.1-жадвал

Халқаро ва миллий аудит стандартлари асосий бўлимларнинг таққослама жадвали¹⁷

№	АХС №700	АФМС №70
1.	Номи	а) номи («Аудиторлик ҳисботи» ёки «Аудиторлик ташкилотининг ҳисботи»; иккала ном бир хил кучга эга);
2.	Адресати	б) адресатнинг номи;
3.	Кириш параграфи	в) кириш қисми;
4.	Аудиторнинг жавобгарлиги	г) таҳлилий қисм;
5.	Аудиторлик фикри, Аудиторнинг имзоси, Аудиторлик ҳисботи санаси, Аудиторнинг манзили	д) якуний қисм

Аудиторлик ҳисботи ва унинг асосида фикр ҳосил қилиш жараёнида аудитор томонидан танлаб текшириш амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъект даромад ва харажатларини аудиторлик текшируви жараёнида асосий усул танлаб текшириш ҳисбланади. Бунда даромад ва харажатлар қолдиғи кўплаб операциялар натижалари сифатида ҳосил бўлган ҳолат билан боғлик бўлгани боис, молиявий натижаларни ялпи текшириш қўп вақт ва жисмоний куч талаб қиласи. Бундан ташқари, жами текшириладиган обьектлар ҳажми танлаш ҳажмига аҳамиятсиз таъсир кўрсатиши математик жиҳатдан исботланганлиги сабабли, текширишда обьектларга алоҳида эътибор бериш лозим.

Яна шуни таъкидлаш керакки, аудиторлик танлови пухта режалаштириш, олинган натижаларни таҳлил қилиш ва текшириш жараёнини ҳужжатлаштиришни талаб қиласи. Шу боис, аудитор обьектни текширишда кам меҳнат талаб қиласи ва самарали услубни, яъни танлаш

¹⁷ Аудитнинг миллий ва халқаро стандартлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ёки ялписига текширишни қўллаш хусусида қарор қабул қилиш, лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам аудитор ҳар бир текшириладиган объектга нисбатан қўлланиладиган аудиторлик танловини амалга ошириш имконияти мақсадга мувофиқлигини аниқлаши лозим.

Аудиторлик далилларини олишнинг муайян услублари аудиторлик жараёнларини ифода этади. Бу жараёнларни танлаш текширув мақсади, текшириладиган объектлар хусусияти, аудитор тажрибаси ва унинг профессионал сифатида фикр юритишига боғлиқ. Аудиторлик жараёнларини танлов асосида текширишни мақсадига қараб, икки гурӯхга ажратиш мумкин:

- 1) мувофиқлик бўйича текшириш (назорат воситаларини текшириш);
- 2) счетлар бўйича маблағ айланиши ҳамда қолдиқни таҳлил қилиш ва батафсил текширишни ўз ичига оладиган текширув.

Ушбу танлаб, текшириш натижасида аудиторлик текшируви бўйича тегишли аудиторлик хulosасининг дастлабки лойиҳаси тайёрланади ва аудиторлар томонидан муҳокама қилинади. Натижада якуний аудиторлик хulosаси шаклланиши учун шароит яратилади.

Лекин айрим муаллифлар аудиторлик ҳисботи масаласига умуман эътибор беришмаган ва асосий масала сифатида аудиторлик хulosасини асос қилиб олганлар. Масалан, профессор Б.Ҳамдамов томонидан қуйидагича фикр билдирган: «Ривожланган мамлакатлар тажрибасига қараганда, 90% аудиторлик натижалари кўшимча тушунтиришсиз, шартсиз аудиторлик хulosалари билан расмийлаштирилади. Бизнинг фикримизча, қуйидаги шартлар бажарилгандагина бундай стандарт хulosалар берилиши мумкин:

1. Жами ҳисбот шакллари белгиланган тартибда тузилган ва молиявий ҳисботга киритилган бўлса;
2. Аудит жараёнида умумий қабул қилинган андозаларга барча жабҳаларда риоя қилинган бўлса;
3. Етарли даражада исбот ва далиллар тўпланган ҳамда аудитор ўз вазифасини тўлиқ бажарганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилса;

4. Молиявий ҳисобот умумий қабул қилинган бухгалтерия асосларига амал қилган ҳолда тақдим этилган бўлса;

5. Алоҳида ёритиб қўрсатиш ёки шарҳ бериш керак бўлган ҳолатлар аниқланмаган бўлса;

6. Молиявий ҳисоботга етарли даражада тушунтиришлар ва иловалар қилинган бўлса»¹⁸.

Бундан ташқари, молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хulosасининг аудиторлик текширувидаги ўрни масаласи бўйича Ш.Илҳомов томонидан қуидагича фикр билдирган: «Аудиторлик стандартларининг ички назорат тизимини баҳолаш бўйича гурухланишида аудиторлик ҳисботи ва молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хulosаси аудиторлик текширувининг якунловчи босқичи ҳисобланади»¹⁹. Демак, ички назорат тизимини баҳолаш жараёнида аудиторлик ҳисботининг якунловчи босқичида аудиторлик хulosасига асосий эътибор қаратилган. Бундан ташқари, тижорат банкларининг фаолиятини аудиторлик текширувидаги молиявий ҳисботлар бўйича тузилган аудиторлик ҳисботларини таркиби ва тузилиши масаласида бир гуруҳ муаллифлар томонидан қуидагича фикр билдирилган: «Аудиторлик ҳисботи аудитор (аудиторлик гуруҳи раҳбари) томонидан тузилади ва аудиторлик ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланади. Ушбу хужжат аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича тузилган шартномани тасдиқлаган буортмачига тақдим этилади.

Аудит текшируви якунида молиявий коэффициентлар таҳлил қилинади. Асосий молиявий коэффициентлар қуидагича аниқланади:

а) тўлов қобилияти коэффициенти= жорий активлар/жорий мажбуриятлар.

б) молиявий мустақиллик коэффициенти=ўз маблағи манбаи/баланс жами

¹⁸ Ҳамдамов Б. Аудит иқтисодиёти. -Т.: ТМИ, 2005. -251 б.

¹⁹ Илҳомов Ш.И. Аудиторлик текширувлари жарёнида ички назорат тизимини баҳолаш услубиёти. Монография. -Т.: Иқтисодиёт. 2010. 187 б.

в) ўз ва қисқа муддатли қарз маблағлари нисбати коэффициенти=ўз маблағи манбай/(мажбуриятлар-узоқ муддатли мажбуриятлар

г) асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти=асосий воситалар амортизацияси/ асосий воситаларнинг бошланғич қиймати²⁰.

Қуйидаги жадвалда “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖда молиявий ҳолатни ифодаловчи күрсаткичлар таҳлил қилинган.

2.2-жадвал

“Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖда молиявий ҳолатни ифодаловчи күрсаткичлар, 2016 йил 1 январ ҳолатига²¹

№	Коэффициентлар	Меъёр даражаси	Амалдаги ҳолат
1.	Тўлов қобилияти коэффициенти	1,25	0,98
2.	Молиявий мустақиллик коэффициенти	0,5	0,19
3.	Ўз ва қисқа муддатли қарз маблағлари нисбати коэффициенти	1,0	0,24
4.	Асосий воситалар эскириши коэффициенти	0,5	0,36

“Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖда таҳлил қилинган барча күрсаткичлар - тўлов қобилияти коэффициенти, молиявий мустақиллик коэффициенти, ўз ва қисқа муддатли қарз маблағлари нисбати коэффициенти ҳамда асосий воситалар эскириши коэффициенти меъёрга нисбатан паст даражада эканлиги аниқланди. Айниқса, молиявий мустақиллик коэффициентининг 0,19 га ҳамда зз ва қисқа муддатли қарз маблағлари нисбати коэффициентининг 0,24 га teng бўлиши салбий ҳолатdir.

Аудиторлик ҳисботининг шакли ва мазмуни аудит обьекти, қўйилган мақсад ва вазифаларга бевосита боғлиқ бўлади. Ҳисботдаги маълумотлар

²⁰ Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс иқтисодий таҳлил. Дарслик. –Т.: “Fan va texnologiyalar”, 2012. -278 б.

²¹ “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисбланган.

аудиторлик хулосасини тайёрлашга асос бўлиб хизмат қиласди»²². Демак, аудиторлик ҳисоботи кўп жиҳатдан аудит обьекти, мақсади ва вазифаларига боғлиқ бўлади деб ўйлаймиз ва ушбу фикрни тўғри деб ҳисоблаймиз. Масалан, аудит жараёнида мувофиқлик бўйича текширувни (назорат воситаларини текшириш) ўтказищдан қўзланган мақсад кўриб чиқилаётган операциялар бўйича назорат воситаларининг ишлиши ва уни амалга оширишни текширишдир.

II боб бўйича хулоса

Диссертациянинг 2-бобида акциядорлик жамиятлари фаолиятининг аудиторлик текшируvida халқаро стандартларни қўллашнинг ҳозирги амалиёти ёритилган. Хусусан мазкур бобда аудиторлик текширувларини режалаштиришда, текширув ўтказища ва якуний босқичда халқаро стандартларни қўллаш тартиби қўллаш тартиби баён қилинган.

Аудиторлик стандартлари аудиторлик текширувларининг барча жиҳатларини белгилаб беради. Жумладан, аудиторлик текшируви вақтида даллилларни тўплаш, уларни хулоса тузиш вақтида исбот сифатида кўрсатиш жараёнида аудиторлик стандартлари мухим роль ўйнайди. Шунингдек, аудиторлик стандартлари текширувда мавжуд ҳақиқий ахборот ва аудит процедурасини белгилашга хизмат қиласди. Аудиторлик стандартлари нафақат далиллар йиғиш, балки, ўша далилларни йиғиш пайтида аудитордан талаб қилинадиган малака ва ахлоқ қоидаларини, текширув пайтида қўлланилиши мумкин бўлган аудиторлик процедураларини (таомилларини), шунингдек ушбу далилларни тўплашда қўлланиладиган усулларни ҳам белгилаб беради. Демак, аудиторлик стандартлари мижоз корхонада аудиторлик текшируви ўтказилиш вақтида бутун бир жараённи бошқариб туришга самарали хизмат кўрсатади.

²² Вахобов А.В., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.Қ. Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методологияси. Монография. -Т.: Молия, 2011. -188 б.

Ш БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ҚҮЛЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Акциядорлик жамиятлари аудиторлик текширувларида халқаро стандартларни жорий этиш масалалари


Республикамизда миллий аудиторлик стандартларини татбиқ этишда халқаро стандартларнинг қўлланилиш тартиби, ривожланган мамлакатлардаги аудит тизимининг ташкил қилиниш даражасига муҳим эътибор қаратишни тақозо қиласди.

Аудиторлик стандартлари аудиторлик текширувларининг барча жиҳатларини белгилаб беради. Жумладан, аудиторлик текшируви вақтида даллилларни тўплаш, уларни хулоса тузиш вақтида исбот сифатида кўрсатиш жараёнида аудиторлик стандартлари муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, аудиторлик стандартлари текширувда мавжуд ҳақиқий ахборот ва аудит процедурасини белгилашга хизмат қиласди. Аудиторлик стандартлари нафақат далиллар йиғиш, балки, ўша далилларни йиғиш пайтида аудитордан талаб қилинадиган малака ва ахлоқ қоидаларини, текширув пайтида қўлланилиши мумкин бўлган аудиторлик процедураларини (таомилларини), шунингдек ушбу далилларни тўплашда қўлланиладиган усулларни ҳам белгилаб беради. Демак, аудиторлик стандартлари мижоз корхонада аудиторлик текшируви ўтказилиш вақтида бутун бир жараённи бошқариб туришга самарали хизмат кўрсатади.

Аудиторлик фаолияти ривожланишининг ва бухгалтерия ҳисоби тизими니 такомиллаштиришнинг ҳозирги босқичи миллий ва халқаро стандартларнинг ўзаро мувофиқлиги масалаларини олдинги ўринга чиқарди ва ушбу икки стандартлар тизимининг доимий равишда такомиллашиб бориши, ҳамда Ўзбекистонда Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) ва Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларининг (МҲҲС) амалиётда қўлланиши мазкур масаланинг долзарблигини узлуксиз тарзда сақлаб келмоқда.

Шу мақсадда 2015-2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари үйлік молиявий ҳисоботини нашр этиши ва уни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилиши белгиланган.

Аудитнинг халқаро стандартларини миллий амалиётда қўллаш зарурлиги қўйидагиларда ўз аксини топади:



3.1-расм. Аудитнинг халқаро стандартларини миллий амалиётда қўллаш зарурлиги²³.

Кейинги вақтларда аудиторлик фаолиятининг халқаро кўламда рангбаранг бўла бориши жараёни кузатилмоқда. Ривожланган мамлакатларда 20-асрнинг сўнг ўн йиллигига аудиторлик хизматининг янги тури – гувоҳлик берувчи аудит тури шаклланди. Аудиторлик хизматининг ушбу тури, айниқса, банк соҳасида кенг кўламда тарқалмоқда. Банк муассасалари мижозга кредит беришда аудиторлик компанияларини гувоҳлик беруви шахс

²³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилған.

томон сифатида қарамоқда. Бунда аудиторлик компанияси банкдан кредит олган мижознинг кредит шартномасини бажариш ҳолатини кузатиб боради.

3.1-жадвал

МДҲ давлатларида халқаро аудит стандартларининг қўлланилиши²⁴

МДҲ давлатлари	Халқаро аудит стандартларини қўллаш чора-тадбирлар дастурининг мавжудлиги	Ушбу чора-тадбирларни амалга оширувчи ташкилот	Халқаро аудит стандартларини қўллаш даври
Озарбайжон Республикаси	Мавжуд	—	01.01.2010 йилдан
Арманистон Республикаси	Мавжуд эмас	—	—
Беларусь Республикаси	Мавжуд эмас	—	—
Қозогистон Республикаси	Мавжуд	Молия вазирлиги, професионал аудиторлик ташкилотлари	01.01.2011 йилдан
Қирғизистон Республикаси	Мавжуд эмас	—	—
Молдавия Республикаси	Мавжуд	Молия вазирлиги, Бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида професионал ташкилотлар	01.01.2012 йилдан
Россия Федерацияси	Мавжуд	Молия вазирлиги, Аудиторлик фаолияти бўйича Кенгаш, мустақил аудиторлик ташкилотлари	2013–2016 йилдан
Тоҷикистон Республикаси	Мавжуд эмас	—	—
Ўзбекистон Республикаси	Мавжуд	Молия вазирлиги Марказий банк, бухгалтерлар ва аудиторларнинг професионал жамоат бирлашмалари	2011–2015 йилларда Босқичмабосқич

²⁴ Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Озарбайжон, Қозоғистон, Молдавия ва Ўзбекистон Республикалари ҳамда Россия Федерациясида халқаро аудит стандартларини қўллаш чора-тадбирлар дастури мавжуд. Қуйидаги жадвалда эса МДХ давлатларида миллий ва халқаро аудит стандартларининг қўлланилиш даражалари кўрсатилган.

3.2-жадвал

МДХ давлатларида аудиторлик фаолиятининг миллий ва халқаро стандартларининг қўлланилиши даражалари²⁵

МДХ давлатлари	Халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган миллий стандартлар	Халқаро стандарт миллий стандарт сифатида тан олинади	Халқаро стандарт бевосита қўлланилади
Озарбайжон Республикаси	—	+	—
Арманистон Республикаси	—	+	—
Беларусь Республикаси	+	—	—
Қозоғистон Республикаси	—	—	+
Қирғизистон Республикаси	—	+	—
Молдавия Республикаси	—	+	—
Россия Федерацияси	+	—	—
Тожикистон Республикаси	+	—	—
Ўзбекистон Республикаси	+	—	+

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида халқаро стандартлар асосида миллий аудит стандартлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, халқаро стандартлар ҳам бевосита қўлланиладиган соҳалар мавжуд.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

Қуидаги жадвалда эса МДХ давлатларида халқаро аудит стандартларини татбиқ этиш тажрибаси баён этилган.

3.3-жадвал

Халқаро аудит стандартларини татбиқ этиш тажрибаси²⁶

МДХ давлатлари	Халқаро аудит стандартларини қўллаш тизими
Озарбайжон Республикаси	Аудиторлар Палатаси халқаро аудит стандартларини қўллаш бўйича семинар ва симпозиумлар ташкил қиласди
Арманистон Республикаси	Маълумот мавжуд эмас
Беларусь Республикаси	Молия вазирлиги ва Миллий банк тавсиялар ишлаб чиқади
Қозогистон Республикаси	Халқаро стандартларни татбиқ этиш Молия вазирлиги, Аудиторлар Палатаси хамкорлиги асосида амалга оширилади
Қирғизистон Республикаси	Қирғизистон Республикаси хукумати хузуридаги молия бозорини назорат қилиш ва тартибга солиш давлат қўмитаси томонидан халқаро стандартларни татбиқ этиш амалга оширилади.
Молдавия Республикаси	Халқаро стандартларни татбиқ этиш Молия вазирлиги, аудиторларнинг профессионал жамоат бирлашмаси томонидан амалга оширилади
Россия Федерацияси	Мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади.
Тожикистон Республикаси	Профессионал бухгалтерлар ва аудиторларнинг жамоат институти томонидан халқаро стандартларни татбиқ этиш режалаштирилган.
Ўзбекистон Республикаси	Бухгалтерлар ва аудиторларнинг профессионал жамоат бирлашмаси, Молия вазирлиги, Марказий банк томонидан халқаро стандартлар бўйича ўқув қўлланмалар яратиш, семинарлар ўтказиш ва аудиторларнинг малакасини ошириш йўли билан амалга оширилади.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида нафақат Молия вазирлиги ёки бухгалтерлар ва аудиторларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек Марказий банк ҳам халқаро стандартларни қўллашда фаол иштирок этмоқда.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

Қуидаги жадвалда МДХ давлатларида халқаро аудит стандартларини кўллашдаги муаммолар кўзга ташланади.

3.4-жадвал Халқаро аудит стандартларини татбиқ этишдаги муаммолар²⁷

Халқаро стандартларни татбиқ этишдаги асосий муаммолар	Муаммонинг ҳал этилиш даражаси		
	Паст	Ўрта	Юкори
Аудит бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш	Тожикистон Республикаси	Озарбайжон Республикаси Беларусь Республикаси, Молдавия Республикаси, Ўзбекистон Республикаси	Россия Федерацияси, Қозогистон Республикаси
Молиявий ресурсларнинг этишмаслиги	Тожикистон Республикаси	Озарбайжон Республикаси, Беларусь Республикаси, Ўзбекистон Республикаси	Арманистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдавия Республикаси
Халқаро талаблар асосида аудит сифатининг назорати мавжудлиги		Озарбайжон Республикаси Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси	Молдавия Республикаси Россия Федерацияси
Халқаро аудит стандартларининг давлат тилидаги нашри мавжудлиги			Беларусь Республикаси, Қозогистон Республикаси Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси
Халқаро аудит стандартлари қоидаларининг миллӣ норматив ҳужжатларга мос келмаслиги	Тожикистон Республикаси	Беларусь Республикаси	

Юқоридаги муаммоларни ҳал этишда, фикримизча, ўқув жараёнига етук амалиётчи мутахассисларни жалб қилиш, таълим тизимида замонавий технологияларни кенг кўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, аудиторлар учун халқаро аудит стандартларининг шархини ўзбек ва рус тилларида етказиб бериш лозим.

3.2. Халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувлари сифатини ошириш йўналишлари

Хизматлар сифатини назорат қилиш – аудиторлик фаолиятини ислоҳ қилишнинг долзарб масалаларидан бири. Аудитор профессионализми юқори даражада тутиб туриш учун унинг зарурлиги тўғрисида 220-сон Халқаро

²⁷ Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

аудит стандарти «Аудитда иш сифатини назорат қилиш» ҳам гувоҳлик беради. Ушбу хужжат стандартларни белгилайди, умуман фирма аудиторлик ишининг ҳам, аудиторлар ва уларнинг ёрдамчилари аудиторлик текшируви ўтказилаётганда амалга оширадиган таомилларнинг ҳам сифатини назорат қилишга доир тавсиялар беради.

Ўзбекистонда аудит сифатини назорат қилишнинг ички фирма тизимини ташкил этиш ва унинг фаолият юритишига доир асосий талаблар 5-сон аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (АФМС) «Аудитор иши сифатини назорат қилиш»да келтирилган. Унга кўра аудитор иши сифатининг назорати аудит стандартлари ва республикамизда аудиторлик фаолиятини тартибга соладиган бошқа меъёрий хужжатларнинг талабларига риоя этилишини текшириш учун қўлланадиган ташкилий чоралар, услугбиятлар ва таомиллар тизимини назарда тутади.

5-сон АФМСда аудитор иши сифати назоратининг қуидаги турлари очиб берилади: асосий аудиторнинг ўз ассистентлари иши устидан, аудиторлик ташкилотининг аудитор иши устидан назорат қилиши ва ташқи назорат.

Асосий аудитор аудит бажарилиши учун тўлиқ жавобгар бўлади. Аудиторлик текшируви чоғида у ассистентлар ишини доимо назорат қилиши ва йўналтириб туриши керак, ассистентлар уларнинг жавобгарлиги ва ўзлари бажараётган таомилларнинг вазифалари, корхона фаолияти ҳамда аудитнинг моҳияти, ўтказиш вақти ва миқёсига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳисобдаги эҳтимолий муаммолар тўғрисида хабардор қилинишлари лозим. Аудиторнинг ёзма дастури аудиторлик ваколатларини беришнинг муҳим элементи ҳисобланади.

Аудиторлик фирмасининг аудитор ишини назорат қилиши, биринчидан, мазкур мижозда аудиторлик режаси ва аудит ўтказиш дастури асослилигини муҳокама қилиш ва текширишдан, иккинчидан, ташкилий-этик аудиторлик қоидаларига қатъий риоя этишдан, учинчидан, баъзи фирмаларнинг ҳисбот ишончлилигини бошқа аудитор аудиторлик хulosаси

берганидан ке-йин мижоз учун бепул қайта текширишларидан иборат бўлади.

Аудиторлар иши сифатини жамоат ташкилотлари ташқи назорат қилишлари мумкин. Халқаро аудиторлик ташкилотларининг ваколатхоналарини бош компаниянинг сифатни назорат қилиш тизими учун жавоб берадиган алоҳида гуруҳи текширади.

Аудиторлик текширувининг сифатига давлат ва буюртмачилар томонидан қўйиладиган талабларнинг ортиб бориши натижасида аудиторлик текшируви жараёнларини такомиллаштиришда янгича ёндошувлар вужудга келмоқда, шу билан бирга янги аудиторлик амалларини қўллаш орқали аудиторнинг якуний ҳисботида тақдим этилаётган маълумотларни сифат даражасини кўтариш хозирги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Аудиторлик текширувининг сифатини таъминлаш аудит тамойилларига риоя этишни тақозо этади. Фикримизча, аудит сифати – аудиторлик амаллари, аналитик ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда хўжалик фаолиятини акс эттирувчи молиявий ҳисботларни текширишда аудитор томонидан фойдаланиладиган ташкилий чоралар, услублар ва жараёнлар тизимини ўз ичига олиши лозим.

Аудиторлик текширувининг сифати, текширилаётган корхона билан бирга келишилган ҳолда аудитнинг мақсадини аниқ қўйиш, текширув режасини тузиш, аудиторлик далилларини тўплаш ва аудиторлик амалларини қўллаш учун аудитор барча маълумотлар билан таъминланиши шартлилига боғлик. Аудиторлик текширувининг сифатини таъминланиши аудиторлик текширувининг дастлабки босқичида, яъни текширилаётган корхонанинг фаолияти билан танишиш, ички назорат тизимини баҳолаш, аудиторлик риски ҳамда аудиторлик танлашни асослашдан бошланади.

Аудиторлик текширувининг сифат жиҳатини назорат қилиш ўзаро боғлик бўлган тадбирлар йиғиндисидан иборат бўлиб, қуйида келтирилган тамойилларга асосланилади:

-биринчидан, аудиторлик текширувининг дастлабки босқичидан якуний босқичигача бўлган давр, яъни текшириш ўтказилган хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизмини баҳолашдан аудиторлик ҳисоботида келтирилган тавсияларнинг сифатини назорат қилиш;

-иккинчидан, аудиторлик текширувини сифатли ташкил этиш учун услугбий таъминотни ўз вақтида ишлаб чиқиш, яъни аудиторлик текширувини ўтказиша мухимлик даражаси, аудиторлик риски ва танлашни тўғри шакллантириш;

-учинчидан, сифат низоратининг натижаларидан фойдаланиш натижасида янги меъёрий ва услугбий ҳужжатларни ишлаб чиқиш имкони туғилади.

Аудиторлик текширувини сифатини баҳолашда ягона услугбий ёндашишга риоя қилиш халқаро, миллий ва ички стандартларни бир тамойиллар асосида ишлаб чиқилишини, ҳамда аудит стандартларини бухгалтерия ҳисобининг стандартларига мувофиқлигини таъминлайди.

Аудиторлик текширувининг сифатини таъминлашда қуидагиларга аудиторлик ташкилоти эътиборини қаратиши лозим:

-биринчидан, аудиторлик ташкилоти доирасида текширув сифатига жавобгар бўлган раҳбар тайинлаш, аудиторлик текшируви сифатига жавобгар шахслар аудиторлик ташкилотида ўз мавқеи ва юқори малакага эга бўлиши, аудиторлик ташкилотининг раҳбарлари ташкилотда фаолият юритаётган аудиторларга текширувларни сифатли ўтказилиши бўйича назоратни мунтазам олиб бориши, натижада аудиторлик ташкилоти штатида турган аудиторлар онгига текширувни сифатли ташкил этиш ташкилотнинг асосий мақасади эканлигини сингдириш.

-иккинчидан ахлоқ талабларига риоя этиш нуқтаи назаридан аудиторлик ташкилоти ва унинг ходимлари ахлоқ талабларига риоя этиши, хусусан фаолияти жараёнида мустақиллик тамойилига тўлиқ амал қилиши, камида йилда бир марта аудиторлик ташкилоти ходимларидан ёзма шаклда мустақилликка риоя этиш тўғрисида тилхат олиши керак.

-учинчидан мижоз билан давомий алоқларни ўрнатиш нуқтаи назаридан, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунга асосан бир хўжалик юритувчи субъектни кетма-кет уч маротаба мажбурий аудиторлик текширувдан ўтказиш тақиқланади, бунда аудиторлик ташкилоти кетма-кет иккинчи ва учинчи маротаба мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилаётганда шартнома шартларини маъсулият билан бажариш, меъёрий ва аҳлоқий талабаларга тўлиқ риоя этиш жиҳатларига эътибор қаратиши лозим. Яна шуни эътиборга олиш керакки, ўтган йилларда ўтказилган аудиторлик текшируви жараёнида юзага келган муаммоларни назардан қочирмаслик шарт.

-тўртинчидан инсон ресурси нуқтаи назаридан, аудиторлик ташкилоти текширувни сифатли ўтказиш мажбуриятини зиммасига оладиган, етарли ва зарур малакага эга бўлган мутахассисларни жалб қилиши, бу ҳолат аудиторлик ташкилотига жалб қилинаётган аудиторларни ишга қабул қилишда маълум бир талабларни ишлаб чиқиши тақозо этади.

-мониторинг нуқтаи назаридан аудиторлик ташкилотининг текширув сифатини таъминлаш бўйича олиб бораётган сиёсати самарали ишлаётганлигини мониторингини олиб бориб ташкилот ходимлари ва раҳбариятига йилда бир марта ахборотлар тақдим этиши лозим.

Аудиторлик текширувини сифатини таъминланишни амалий фаолият нуқтаи назаридан қуйидаги ёндашувлар асосида кўриб чиқамиз.

Биринчи ёндашув. Аудиторлик хизматининг ҳамда аудиторлик хуносасини сифатли тийёрланиши тўғридан-тўғри иаудиторларнинг профессионаллик ва билим даражасига боғлиқдир. Бу ҳис қилинадиган сифат бўлиб, у аудиторлик текширувини ўтказувчи аудиторлар ҳамда буюртмачи ўртасидаги муносабатларга асосланилади.

Иккинчи ёндашув. Аудит сифати аудиторлик ташкилотининг рейтингига асосланилади. Бунда мамлакатда фаолият олиб бораётган аудиторлик ташкилотлари бир хил кўрсаткичлар асосида, масалан ташкилотнинг молиявий ҳолати, аудиторлик хизмати бозоридаги

фаолиятининг давомийлиги, аудиторларнинг малака ва кўнижмалари, мижозлари миқдори ҳамда ташкилотнинг катталиги ва бошқа кўрсаткичлар асосида йилда бир марта аудиторлик ташкилотларининг рейтингги аниқланиб матбуотда эълон қилинади.

Лекин шуни ҳам таъкилаш лозимки, аудиторлик ташкилотларининг рейтингги уларнинг фаолиятига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларнинг баҳосини ифодалайди ҳамда рейтинг аудиторлик ташкилотларини аудиторлик хизматлари бозоридаги ўрнини аниқлайдиган индикатордир, аудит сифатини белгиловчи кўрсаткич эмас.

Аудиторлик хизматлари сифатини баҳолаш аудиторлик ташкилотини текширувшга жалб қилиш босқичида ҳам амалга ошириш мумкин. Аудиторлик ташкилотини тўғри танланлигини ҳақидаги дастлабки қарорни баҳолаш қўйидаги ҳолатларни ўз ичига олади:

- ишchanлик фаолияти;
- профессионаллик даражаси;
- маҳфийлик тамойилининг таъминланиши;
- нарх сиёсати;
- нарх ва хизматлар сифатининг мувофиқлиги;
- жавобгарлик даражаси;
- буюртмачиларнинг тавсияномалари;
- тармоқ хусусиятлари ҳамда унгта тааллуқли муаммоларни билиш даражаси;
- аудиторлик жамоат бирлашмаларга аъзолиги.

Учинчи ёндашув. Аудит сифати бу аудиторлик ташкилотининг аудиторлик фаолиятига тааллуқли меъёрий хужжатлар, аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига риоя этишдир. Аудиторлик стандартлари талабига риоя этиш аудиторлик текшируви сифатли ўтказилганлиги ҳамда шу асосида ташқи фойдаланувчилар аудиторлик ташкилоти томонидан берилган хулосага ишончи ортади. Аудиторлик ташкилотининг аудит фаолиятининг стандартларига риоя этиши, аудиторлик

текширувининг буюртмачилари ва бошқа манфаатдор шахслари учун зарур бўлган сифат талабларини акс эттирувчи стандартларнинг қўлланилмаслиги аудиторлик ташкилотларида аудиторлик фаолияти стандартлари мувофиқлиги ва сифат стандартлари номувофиқ келиши аудиторлик текширувининг буюртмачилари ва бошқа манфаатдор шахслар учун аудиторлик ташкилотлари профессионал фаолиятига бўлган ишончнинг пасайишига олиб келади.

Тўртинчи ёндашув. Аудит сифатини кўрсатилган аудиторлик хизматларини нуқтаи назаридан баҳолаш. Аудиторлик хизматларини сифати улар томонидан кўрсатилган текширув ва бошқа хизматлар натижаси асосида баҳоланади. Бу ерда шуни эътиборга олиш лозимки, аудиторлик текширувининг сифати асосида иккита аниқ ҳисобланадиган ўзгарувчилар: муҳимлик даражаси ва аудиторлик риски ётади.

Бешинчи ёндашув. Аудитнинг сифати бир вактнинг ўзида стандарт ва нархга мувофиқлиги асосида аниқланади. Аудит сифатига харажат нуқтаи назаридан ёндашиш аудиторлк текширувининг сифат хусусиятларини асосида нархни шаклланишини назарда тутади.

Буюртмачи учун юқори сифатли хизматни ўртacha нарх асосида кўрсатиш худди шу хизматни юқорироқ нарх асосида кўрсатишига нисбатан сифатлироқ бўлиши мумкин, бу асосан юзага келадиган харажатларнинг турларига боғлиқ. Аудиторлик текширувининг бозор нархидан паст нархда кўрсатилиши ишончлилик даражасини пасайишига олиб келади ва ўтказилган аудит сифатига ҳам бўлган ишонч камаяди.

Олтинчи ёндашув. Аудит сифати аудиторлик текшируви истеъмолчилари томонидан уларнинг фаолиятини баҳолаш натижасидир. Ўтказилган аудиторлик текширувларини сифатини буюртмачиларни анкета саволномалари ва сўровномалар асосида баҳолашга жалб қилинади. Ушбу ёндашувда буюртмачиларнинг талблари эътиборга олиниб, ушбу талбларни аудиторлик ташкилотлари томонидан бажарилиши инобатга

олинади. Аудиторлик хulosасидан фойдаланувчилар ўзларининг эҳтиёжидан келиб чиқиб текширув сифатини баҳолайди.

Еттинчи ёндашув. Сифат – бу буюртмачининг яширин талабларига риоя этиш. Аудиторлик ташкилотлари буюртмачиларнинг ҳали тўла шаклланимаган истакларини олдиндан кўра билиши ва аудиторлик текшируви сифатини янги қарашлар асосида шакллантириши лозим. Буюртмачларнинг яширин талабларини қондириш, фикримизча, аудиторлик хulosаси тузилгандан кейин аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўича буюртмачи-ташкилотга услубий ёрдамлар кўрсатиш деб ўйлаймиз.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, аудиторлик текширувларининг сифатли ташкил этилиши соҳа ташкилотларининг мамлакатимиз аудит бозорида мавқеини ошишига сабаб бўлади.

III боб бўйича хulosса

Диссертациянинг 3-бобида акциядорлик жамиятлари фаолиятининг аудиторлик текшируvida халқаро стандартларни қўллашни такомиллаштириш истиқболлари ёритилган. Хусусан мазкур бобда Акциядорлик жамиятлари аудиторлик текширувларида халқаро стандартларни жорий этиш масалалари, халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувлари сифатини ошириш, текширувлар жараёнида далил тўплашнинг илгор усуларини қўллаш йўналишлари баён қилинган.

Ҳозирча халқаро стандартлар аудиторлик тадбирларини батафсил баён қилиши ва мисоллар келтирилиши билан аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларидан фарқ қиласи. Шу сабабли халқаро стандартларни ўрганиш сифатли ўтказилган аудитларнинг кўпайишига ва жамоатчилик орасида аудитор касби нуфузининг ортишига кўмаклашади.

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик текширувини амалга ошириш жараёнида назорат функцияларини бажариш учун аудиторлик текширувини

ўтказиш сифатини назорат қилишда аудит амалларини қўллашни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Аудиторлик текширувани ўтказиш сифатини назорат қилиш хизмати таркибидаги назорат функцияларини бажарувчи мутахассисларнинг профессионал тайёргарлиги даражасига ички талаблар аудиторлик ташкилотининг ички стандартлари томонидан белгиланади.

Аудиторлик ташкилотлари ходимларига ички стандартлар мазмунини тарқатмаслик ва уларни аудиторлик ташкилоти фаолиятидан ташқарида фойдаланмаслик (қонунда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно) мажбурияти жорий этилади.

Аудиторлик текширувининг сифатига давлат ва буюртмачилар томонидан қўйиладиган талабларнинг ортиб бориши натижасида аудиторлик текшируви жараёнларини такомиллаштиришда янгича ёндошувлар вужудга келмоқда, шу билан бирга янги аудиторлик амалларини қўллаш орқали аудиторнинг якуний ҳисботида тақдим этилаётган маълумотларни сифат даражасини кўтариш хозирги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Аудиторлик стандартлари аудиторлик текширувларининг барча жиҳатларини белгилаб беради. Жумладан, аудиторлик текшируви вақтида даллилларни тўплаш, уларни хulosса тузиш вақтида исбот сифатида кўрсатиш жараёнида аудиторлик стандартлари муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, аудиторлик стандартлари текширувда мавжуд ҳақиқий ахборот ва аудит процедурасини белгилашга хизмат қиласди.

Аудиторлик стандартлари нафақат далиллар йиғиш, балки, ўша далилларни йиғиш пайтида аудитордан талаб қилинадиган малака ва ахлоқ қоидаларини, текширув пайтида қўлланилиши мумкин бўлган аудиторлик процедураларини (таомилларини), шунингдек ушбу далилларни тўплашда қўлланиладиган усулларни ҳам белгилаб беради. Демак, аудиторлик стандартлари мижоз корхонада аудиторлик текшируви ўтказилиш вақтида бутун бир жараённи бошқариб туришга самарали хизмат кўрсатади.

Хулоса

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида түғридан-түғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, замонавий корпоратив бошқарув услугларини жорий қилиш, хўжалик юритувчи субъектларни бошқариш жараёнида бўлажак инвесторлар учун акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини тубдан ошириш, уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш учун ташқи аудитни түғри ва оқилона йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, ташқи аудит текшируви натижаларини расмийлаштириш ва уни аудитнинг халқаро стандартларига мос ҳолда тузиш зарурияти пайдо бўлди. Айниқса, жаҳон ҳамжамиятияга интеграциялашув жараёнида аудиторлик хизматига бўлган талаб ва унинг сифатига бўлган эътибор янада ошди.

Кейинги йилларда акциядорлик жамиятлари фаолиятида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва аудитнинг халқаро стандартларини қўллашни такомиллаштириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳали бу борада талайгина муаммолар мавжуд. Қуйида биз бу борадаги муаммолар ва бартараф этиш йўллари билан танишиб чиқамиз.

1. Маълумки, акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботларини аудит қилишда ва аудит натижаси бўйича тузиладиган аудиторлик ҳисоботларини аудитнинг халқаро стандартлари талаби даражасида ташкил қилиш масаласи қўйилди. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида аудиторлик ҳисоботини тузишда ташқи аудитни ўтказиш кетма-кетлигига катта эътибор берилади. Ҳозирда аудиторлик ҳисоботларини тузиш ва уни маълум тартибни белгилаш зарурияти пайдо бўлмоқда. Шу сабабли, ташқи аудит ўтказиш кетма-кетлигини ишлаб чиқиш ва унинг аниқ ҳамда ишончли ахборот олиш имконияти ташқи аудит самарасига ижобий таъсир қиласи.

2. Акциядорлик жамиятларида аудит текширувини ўтказишда тест амалларидан ички аудит тизими ҳолатини, хўжалик муомалалари моҳиятини ёритишида, таҳлилий амалларни бажариш чоғида ҳамда ҳар бир элементлар

бўйича қолдиқлар суммасини аниқлашда фойдаланилиш зарур. Ушбу ҳолатлар ҳар бирини таҳлилий амалларни бажаришнинг маълум бир кўриниши сифатида ҳам баҳолаш мумкин.

Таҳлилий амаллар, бизнингча, аудит текширувларида қўлланилган усулларга аниқ бир, ишончли ойдинлик киритиш мақсадида ҳамда текширувларнинг сифатини оширишда, қолаверса, аудит рискини ва аудитнинг муҳимлигигини камайтиришда аҳамияти бекиёс.

3. Маълумки, аудитнинг халқаро стандартларида далиллар тўплаш бўйича ўнга яқин стандарт мавжуд. Миллий стандартлар доирасида ушбу халқаро стандартларнинг барчаси ишлаб чиқилмаган. Шуларни хисобга олган ҳолда аудиторлик текширувларида аудиторлик далилларни олишда аудитнинг халқаро стандартлари меъзонларига эътибор қаратиш аудиторнинг иш сифатини таъминлашда етакчи омил бўлиб гавдаланади.

4. Фикримизча, аудиторлик ҳисботи халқаро стандартлар асосида таркибини қуидагича гуруҳлаш (кириш, асосий қисм, якуний қисм, раҳбариятга хат ва раҳбариятга якуний аудиторлик ҳисботи) тузиладиган аудиторлик хulosасининг объектив бўлишига олиб келади. Натижада аудиторлик хulosасини тузишдан олдин аудиторлик ҳисботида етарлича асос бўладиган далилларни тўплаш ва уни таҳлил қилиш имконияти яратилади.

5. Мамлакатимизда корпоратив бошқарув принциплари тўла-тўқис жорий этилиши учун халқаро талабларни хисобга олган ҳолда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, уларнинг инвестиция жараёнларида ҳамда иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда кенг иштирокини таъминлаш бугунги кунда долзарб масалалардан биридир. Бу борада акциядорлик жамиятлари фаолиятининг очиқлигини ошириш, улар томонидан халқаро стандартлар асосида аудит ва молиявий ҳисбот ахборотини нашр қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Аммо амалиётда қуидаги муаммолар учраб турмоқда:

- мижоз ташкилотлар томонидан аудиторлик текширувларини ўтказишнинг аҳамияти ва зарурлигини етарли даражада тушунмаслиги;
- халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувларини ўтказишнинг қимматга тушиши;
- аудиторлар томонидан халқаро аудит стандартлари тамойилларининг етарли даражада тушунмаслиги;
- халқаро аудит стандартларини етарли даражада биладиган мутахассисларнинг камлиги.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этишда, фикримизча, халқаро аудит стандартларини қўллаш бўйича семинар-тренингларни қўпайтириш, ўқув жараёнига етук амалиётчи мутахассисларни жалб қилиш, таълим тизимида замонавий технологияларни кенг қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, аудиторлар учун халқаро аудит стандартларининг шарҳини ўзбек ва рус тилларида етказиб бериш лозим.

Хулоса тарзида шуни таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этиб ўтилган ҳолатларга кенг эътибор қаратиш ва уларнинг амал қилинишини таъминлаш аудиторлик ҳисбот ва хулосасини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш имкониятини яратади. Бундан ташқари, аудиторлик ҳисботини тузишда аудиторлик рисклари, муҳимлик кўрсаткичига эътибор бериш кераклигини аниқлаб, ҳисоб тизими риски кўрсаткичидан фойдаланиб, аудиторлик рискларини баҳолаш усуллари тавсия этилди. Бу эса, молиявий ҳисботни текширишнинг янада батафсил ва сифатли ўтказиш ва меҳнат сарфини камайтириш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-хукуқий хужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2017. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 152-модда; 2008 й., 52-сон, 510-модда; 2011 й., 16-сон, 159-модда; 2014 й., 16-сон, 176-модда; 2017 й., 14-сон, 213-модда.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: Адолат, 2008.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 404-сон.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 149-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 110-модда; 41-сон, 405-модда; 2007 й., 37-38-сон, 378-модда; 2009 й., 37-сон, 403-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда

1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 210-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори. 26.11.2010., ПҚ-1438-сон. www.lex.uz

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720 Фармони. www.lex.uz

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

1.9. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг тўлдирилиши бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 140-сонли буйруғи. www.lex.uz

1.10. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013.

1.11. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т. Ўзбекистон. 2014. 64 бет.

1.12. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш - устувор вазифамизdir. Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. -Т.: “O’zbekiston”. 2015. -726.

1.13. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб борилаётган ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом

Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъruzasi. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. -88 б.

1.14. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. -56 б.

1.15. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. - 104 б.

1.16. Азизов Ш., Юлдашева С. Международный аудит. Учебное пособие. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2013. – 276 с.

1.17. Альманах Узбекистан. 2015. -Т.: Центр экономических исследований. 2016.-222 с.

1.18. Бычкова С.М. Аудиторская деятельность. Теория и практика. - Санкт-Петербург, Ланъ, 2000. - С. 67-71;

1.19. Воронина Л. И. Аудит. Теория и практика. Учебник для бакалавров – М.: Омега-Л, 2011. 680 с.

1.20. Джамбакиева Г. Финансовый учет. Учебное пособие. Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2012 г. – 348 ст.

1.21. Ерофеева В. А., Пискунов В. А., Битюкова Т. А. Аудит – М.: Юрайт, 2012. 640 с.

- 1.22. Ибрагимов А., Очилов И., Кўзиев И. Молиявий ва бошқарув ҳисоби –Т.: Иқтисод-молия. 2008 й. 440 б.
- 1.23. Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2004, 592 б.
- 1.24. Karimov A.A., Islomov F.R., Avloqulov A.Z. Xalqaro audit. Darslik. –T. “IQTISOD-MOLIYA”, 2015. -380 b.
- 1.25. Кеворкова Ж.А. Международные стандарты аудита. Под редакцией, -М.: Юрайт. 2016. -458 с.
- 1.26. Кисилевич Т.И., Хачемизова Е.Н. Налоговый аудит в строительстве. Изд. «Финансы и статистика», 31.01.2014 г. 34-ст.
- 1.27. Кузиев И.Н., Авлокулов А.З., Шеримбетов И.Х. Внутренний аудит. Учебное пособие-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2016. 120 стр
- 1.28. Pardayev A.X., Pardayeva Z.A. Boshqaruv hisobi. –Toshkent, G`ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2014. 318 bet.
- 1.29. Парушина Н.В., Суворова С.П., Галкина Е.В. Международные стандарты аудита. Учебник. -М.: Инфра-М, 2014. -304 с.
- 1.30. Рогуленко Т.М. Аудит. –М.: Юрайт, 2012. 540 с.
- 1.31. Савин А.А., Савин И.А., Савин Д.А. Аудит для магистров. Теория аудита. –М.: Инфра-М, 2012. 272 с.
- 1.32. Сафонова М.Ф., Жминько С.И. Практический аудит. –М.: Феникс, 2012. 512 с.
- 1.33. Сотиволдиев А.С. и др. Финансовый и управлеченческий учет: Учебник . – Т.: Iqtisod-Moliya, 2012. 432с.
- 1.34. Суглобов А. Е., Жарылгасова Б. Т., Савин В.Ю., Бухгалтерский учет и аудит – М.: Титан эффект, 2012. 520 с.
- 1.35. Суйц В.П., Ахметбеков А.Н., Дубровина Т.А. Аудит: общий, банковский, страховой. –М.: ИНФРА, 2000, -C.152.
- 1.36. Ситнов А.А. Операционный аудит: теория и организация. Учебное пособие. –М.: Высшее образование, 2011. 240 с.

- 1.37. Тютюров В.Н. Международные стандарты аудита. Учебник. - М.: “Дашков и К”, 2009.
- 1.38. O’razov B., Vohidov V. Boshqa tarmoqlarda buxgalteriya hisobining xususiyatlari. T.: «ADIB NASHRIYOTI», 2011 у. – 494 б.
- 1.39. Уразов К.Б. Бухгалтерия молиявий ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Самарқанд. СамИСИ, 2013.-228-бет.
- 1.40. Файзиев Ш., Каримов А. Аудит. Учебное пособие. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2013. – 328 с.
- 1.41. Федоренко Н.В. Аудит: Расширяем границы науки. Теория и методология. -М.: Инфра-М, 2016. -100 с.
- 1.42. Xasanov B.A., Xashimov B.A. Boshqaruv hisobi. Darslik. –Т.: Cho'lpon nomidagi NMIU, 2013. -312 bet.
- 1.43. Xolbekov R.O. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. Darslik. - Т.: Cho'lpon nomidagi nashriuot-matbaa ijodiy uyi, 2011. - 200 б.
- 1.44. Черных М.Н., Юдина Г.А. Основы аудита: учебное пособие. – 4-е изд., стер. – М.: Кнорус, 2011. – 352 с.
- 1.45. Шоалимов А.Х. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т: Лессон-пресс, 2016. -196 б.
- 1.46. Юткина.Т.Ф. Налоги налогообложение. М.: ИНФРА-М. 2011. - 432 с.
- 1.47. Qo‘ziyev I., Avloqulov A., Sherimbetov I. Ichki audit. O’quv qo’llanma-Т.: «Iqtisod-moliya», 2015. – 220 б.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

- 2.1. Акрамов С.А. Мамлакатимизда акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш йўллари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. –Тошкент, 2017. -№2.
- 2.2. Илхомов Ш.И. Аудиторлик текширувлари жарёнида ички назорат тизимини баҳолаш услубиёти. Монография. -Т.: Иқтисодиёт. 2010. 187 б.

2.3. Вахобов А.В., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К. Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методологияси. Монография. -Т.: Молия, 2011. -188 б.

2.4. Турсунходжаева Ф.Х. Аудитнинг халқаро стандартларини Ўзбекистонда қўллаш муаммолари. //“Тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш, инвестицион фаоллиги ва молиявий барқарорлигини оширишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2016 йил 13 апрель. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2016. 400-401-бетлар

2.5. Турсунходжаева Ф.Х. Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг аудиторлик текшируvida халқаро стандартларни қўллашнинг аҳамияти. //“Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш инфратузилмасини мутаносиб ривожлантиришнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2017 йил 28 марта. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2017. 174-175-бетлар.

2.6. Элмирзаев Э.С. Акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибадорлигини таъминлашнинг айрим масалалари. Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали. №1, февраль, 2017 йил. <http://interfinance.uz/>

2.7. Кўзиев И.Н. Аудиторлик текширувлари натижалари бўйича аудиторлик ҳисботлари ва хуносаларини тузиш масалалари. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. –Тошкент, 2015. -№4. –Б.1-9.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

3.1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг 2010-2015 йиллар бўйича статистик маълумотлари.

3.2.Интернет сайтлари

- <http://www.audit.uz> (Аудиторлар Палатаси сайти)
- <http://www.mf.uz>. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти)
- <http://www.uza.uz>. (Ўзбекистон ахборот агентлиги сайти)

ИЛОВАЛАР

1-илюва

Аудит ва сифат назорати халқаро стандартларининг таркиби ва кучга кириш даврининг таҳлили

№ т/р	АХС бўйича хужжатларни рақами	АХС стандартлари (халқаро аудит стандартлари)	Кучга кириш санаси (ёки ушбу санадан кейин бошланадиган даврлар учун моливий хисоботлар аудитига нисбатан)
I. Сифат назоратининг халқаро стандартлари (1-99)			
1.		Сифат назорати, аудит, кўриб чиқиш, бошқа ишонч билдириш каби турдош хизматларнинг халқаро стандартларига муқаддима	2011 йил, 15 декабридан
2.		Атамалар глоссарийси	2012 йил, июн
3.	CHXC№1	Молиявий хисоботлар аудити ва уларни кўриб чиқиш, ишонч билдириш ва бошқа турдош хизматлар кўрсатиш бўйича келишувларни бажарувчи аудиторлик ташкилотларида сифат назорати	2009 йил, 15 декабр
Ретроспектив (тарихий)молиявий ахборотлар аудити(100-999)			
II.Умумий принциплар ва мажбуриятлар(200-299)			
4.	200	Мустакил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни халқаро аудит стандартлари (ХАС)га мувофиқ ўтказиш	2009 йил, 15 декабр
5.	210	Аудит топширикларининг шартларини келишиш	2009 йил, 15 декабр
6.	220	Молиявий хисоботлар аудити сифатини назорат қилиш	2009 йил, 15 декабр
7.	230	Аудитни хужжатлаштириш	2009 йил, 15 декабр
8.	240	Молиявий хисоботлар аудитидаги фирибгарликка нисбатан аудитор мажбуриятлари	2009 йил, 15 декабр
9.	250	Молиявий хисоботлар аудитида қонунлар ва меъёрий хужжатларнинг хисобга олиниши	2009 йил, 15 декабр
10.	260	Рахбарият ва мулк эгалари вакиллари билан аудит жиҳатлари бўйича ахборот алмашинуви	2009 йил, 15 декабр
11.	265	Ички назоратдаги камчиликлар юзасидан рахбарият ва мулк эгалари вакиллари билан ахборот алмашинуви	2009 йил, 15 декабр
III.Рискларни баҳолаш ва баҳоланган рискларга жавоб ҳаракатлар(300-399)			
12.	300	Молиявий хисоботлар аудитини режалаштириш	Янги таҳрири 2013 йил, 15 декабр
13.	315	Мухим бузуб кўрсатишлар рискларини тадбиркорлик субъектини ва унинг мухитини билиш асосида аниқлаш ва баҳолаш	Янги таҳрири 2013 йил, 15 декабр
14.	320	Аудитни режалаштириш ва ўтказишда мухимлик	2009 йил, 15 декабр
15	330	Баҳоланган рискларга нисбатан аудиторнинг ҳаракатлари	2009 йил, 15 декабр
IV. Хизматлардан фойдаланадиган субъектлар аудитини ўтказиш жиҳатлари(400-499)			
16.	402	Хизмат кўрсатувчи ташкилот хизматларидан фойдаланадиган тадбиркорлик субъектлари аудитини ўтказишнинг хусусиятлари	Янги таҳрири 2013 йил 15 декабр
17.	450	Аудит ўтказиш жараёнида аниқланган бузуб кўрсатишларни баҳолаш ва таҳлили	2009 йил 15 декабр
V.Аудиторлик далиллар(500-599)			
18.	500	Аудиторлик далиллари	Янги таҳрири 2013 йил 15 декабр
19.	501	Аудиторлик далиллари-муайян моддаларни маҳсус	2009 йил

		күриб чиқиш	15 декабр
20.	505	Ташқи далиллар	2009 йил 15 декабр
21.	510	Дастлабки аудит топшириклари-бошланғич қолдиклар	2009 йил 15 декабр
22.	520	Таҳлилий амаллар	2009 йил 15 декабр
23.	530	Аудитда танлаш	2009 йил 15 декабр
24.	540	Хисоблаб чиқылган баҳолар, шу жумладан, ҳаққоний қымат бўйича хисоблаб чиқылган баҳолар ва улар билан боғлиқ очиб бериладиган маълумотлар	2009 йил 15 декабр
25.	550	Боғлиқ томонлар	2009 йил 15 декабр
26.	560	Хисобот давридан кейинги ҳодисалар	2009 йил 15 декабр
27.	570	Фаолиятнинг узлуксизлиги тўғрисидаги фараз	2009 йил 15 декабр
28.	580	Раҳбарият томонидан тақдим қилинадиган ахборот	2009 йил 15 декабр

VI. Бошқа шахслар ишидан фойдаланиш(600-699)

29.	600	Компания гурухлари молиявий хисоботларининг аудити (шу жумладан бошқа аудиторлар ишидан фойдаланиш)	2009 йил 15 декабр
30.	610	Ички аудиторлар ишидан фойдаланиш	Янги таҳрири 2013 йил 15 декабр
31.	620	Аудитта жалб қилинган эксперт ишидан фойдаланиш	2009 йил 15 декабр

VII. Аудиторнинг хулосалари ва ҳисоботлари (700-799)

32.	700	Молиявий хисобот бўйича хулоса тайёрлаш ва фикр ҳосил қилиш	2009 йил 15 декабр
33.	705	Мустакил аудитор хулосасида фикрларнинг модификациялари	2009 йил 15 декабр
34.	706	Мустакил аудитор хулосасида бошқа масалалар ва эътибор бериладиган қисмлари	2009 йил 15 декабр
35.	710	Таққосланадиган ахборот-қиёсий кўрсаткичлар ва қиёсий молиявий хисоботлар	2009 йил 15 декабр
36.	720	Молиявий хисоботлар аудитида ифодаланган хужжатлардаги бошқа маълумотларга нисбатан аудиторнинг жавобгарлиги	2009 йил 15 декабр

VIII.Махсус соҳалар(800-899)

37.	800	Махсус мақсадга мувофиқ тайёрланган молиявий хисоботлар аудитининг хусусиятлари	2009 йил 15 декабр
38.	805	Махсус молиявий хисоботлар ва молиявий хисоботдаги маҳсус элементлар, счётлар ёки моддалар аудитининг хусусиятлари	2009 йил 15 декабр
39.	810	Қисқа (қисқартирилган, қисқача) молиявий хисоботлар бўйича хулоса тайёрлаш бўйича топшириклар	2009 йил 15 декабр

IX.Халқаро аудит амалиёти низомлари(1000-1999)

40.	ХААН 1000	Банклараро маълумотларни тасдиқлаш жараёнлари	2009 йил 15 декабр
41.	ХААН 1004	Банк ташқи аудиторлари ва банк назорати органлари ўтасидаги ўзаро муносабатлар	2011 йил 1 май
42.	ХААН 1005	Кичик корхоналар аудитининг хусусиятлари	2011 йил 1 май
43.	ХААН 1006	Банк молиявий хисоботлар аудити	2011 йил 1 май
44.	ХААН 1010	Молиявий хисоботлар аудитида экологик масалалар ҳисби	2011 йил 1 май

45.	ХААН 1012	Ҳосилавий молиявий инструментлар аудити	2011 йил 1 май
46.	ХААН 1013	Молиявий ҳисоботлар аудитига электрон савдонинг таъсири	2011 йил 1 май
47.	ХААН 1014	Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида текширишда аудиторлик хуносаларини тайёрлаш	2011 йил 1 май
II қисм. Сифат назорати, аудит, кўриб чиқиш, бошқа ишонч билдириш ва турдош хизматларнинг халқаро стандартлари тўплами			
48.	Асос	Ишонч билдириш бўйича келишувларнинг халқаро стандартлари тўплами	2005 йил 1 январ
Кўриб чиқиш бўйича келишувларнинг халқаро стандартлари (2000-2699)			
49.	КЧКХС 2400	Молиявий ҳисоботларни умумий кўриб чиқиши бўйича топшириклар	2006 йил 15 декабр
50.	КЧКХС 2410	Мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан бажарилган оралиқ молиявий ахборотларни умумий текшириш (Собиқ ХАС №910)	2006 йил 15 декабр
Ишончлиликни кафолатлайдиган топшириклар бўйича халқаро стандартлар (3000-3699)			
Ишончлиликни кафолатлайдиган топширикларга қўлланиладиган стандартлар(3000-3399)			
43.	ИБКХС 3000	Ўтган давр молиявий маълумотларни умумий текшириш ёки ишончлиликни кафолатловчи топширикларни аудитдан фарқлари	2005 йил 1 январ
Махсус масалалар бўйича стандартлар(3400-3699)			
44.	ИБКХС 3400	Перспектив(кутилаётган) молиявий ахборотларни текшириш (собиқ ХАС№810)	2011 йил 1 май
45.	ИБКХС 3402	Хизмат кўрсатиш ташкилотида назорат тизимини текшириш натижалари бўйича ҳисоботлар	2011 йил 15 июн
Турдош хизматлар бўйича халқаро стандартлар (4000-4699)			
46.	TXXC 4400	Молиявий маълумотларга нисбатан келишилган жараёнларни бажариш бўйича топшириклар (собиқ ХАС №920)	2011 йил 1 май
47.	TXXC 4410	Молиявий ахборотлар компиляцияси бўйича топшириклар (собиқ ХАС №930)	2011 йил 1 май
Ишончлиликни кафолатлайдиган топширикларга қўлланиладиган халқаро стандартлар			
48.	ИКХС 3410	Иссиклик гази баёнотлари юзасидан ишонч билдириш бўйича келишувлар	2013 йил 30 сентябр
49.	ИКХС 3420	Проспектга киритилган тахминий молиявий маълумотларнинг компиляцияси бўйича ҳисбот тақдим этиш учун ишонч билдириш бўйича келишувлар	2013 йил 31 март
Турдош хизматларнинг халқаро стандартлари (TXXC)			
50.	4410	Компиляция бўйича келишувлар	Янги таҳрири 2013 йил 1 июл

Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятлари динамикаси²⁸



²⁸ Ўзбекистон Республикаси корпоратив ахборот агона портали. <http://openinfo.uz>